


«...ҲОКИМ

фақат ишдан кетиш билан қутулмайди, балки қонун олдида жавоб беради»

3



ДАВЛАТ ҚАРЗИ

ортиши қандай натижаларга олиб келади?

7



[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№17

(1908-1911) 2020 йил
21 – 28 май

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

ҲАР ҚАНЧА

қийин бўлмасин, тадбиркор учун барча имкониятлар яратилапти

4

ЎШТ

НАРХИНИНГ

қимматлиги озуқага боғлиқми?

8



Маҳалладан


НАФАҚА

ТАЙИНЛАШ

ВАКОЛАТИ

олиб қўйилдими?

10




ТАЪЛИМДАГИ

ҚИНҒИРЛИКЛАРГА

инсон омили бош сабабчи бўляптими?

17



25

Етим болалар учун ажратилган уйлар нега сотиб юборилди?

16



Сарез — Помирнинг «уйқудаги аждарҳо»си...(ми?)

28

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ислоҳот ва ўзгаришлар майдони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЕЕВ 20 МАЙ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ВА
ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Давлатимиз раҳбари дастлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонида ташриф буюрди.

Бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Ҳазрат Навоий бобомизнинг мухташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадиий композицияда, манتيқий ечим асосида жойлаштирилди.

— Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

«Замонамиз қаҳрамонлари ҳақида ўқшни хоҳлаймиз»

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қол-

масдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўли ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

— Замонамиз қаҳрамонлари, деб кўп гапиримиз. Бугун бу қаҳрамонлар коронавирустга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиздир. Уларнинг жасорати ҳақида ўқини ҳаммамиз хоҳлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз «Адиблар хиёбони» деб номланган интернет портали ташкил қилиш таклифини билдирди. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади.

Тошкент — ўтмиш ва бугун чорраҳаси

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 январь куни пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида Тошкент шаҳри музейини ташкил этиш бўйича тавсиялар берган эди. Адиблар хиёбони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерда барпо этилди.

Тошкент шаҳри музейи 2200 йиллик тарихга эга бўлган ҳудуднинг қадим ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, илм-фани, маданияти ва санъатини ўзида акс эттиради.

Ҳозиргача бу ерда мингта яқин экспонатлар тўпланган. Музей фонди муттасил бойитиб борилади. Бинонинг биринчи қаватида «Тошкент — илм-фан маркази», «Тошкент — бағрикенглик шаҳри», «Амалий санъат. Қундалик ҳаёт ва маданият» деб номланган экспозициялар ташкил этилган. Иккинчи қаватда қадимий иш қуроллари, хўжалик буюмлари, қадамжоларнинг макетлари намойишга қўйилган.

— Бу биринчи қадам, — деди Шавкат Мирзиёев. — Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта маблағ бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни давр-давр ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак.

Болалар миллий тиббиёт маркази — минтақада ягона

Давлатимиз раҳбари Тошкентнинг Яшнобод туманида барпо этилган Болалар миллий тиббиёт марказини ҳам бориб кўрди.

Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасидир. Бу ерда йилга 1,5 минг-

дан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, поликлиника кунига 250 нафаргача бемор қабул қилади. Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари операцияларни онлайн тарзда кузатиб бориши мумкин. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриклар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.

— Бу марказ — миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз ҳудудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни йўлга қўйиш керак, — деди Президент.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

— Болалар ва катталар тиббиёт марказларининг ҳудудларда филиаллари бўлади. Шу орқали тиббиёт тизимининг ҳам илминини, ҳам амалиётини энг илғор стандартлар даражасига кўтариб оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Уч поғонали йўл ўтказгич очилди

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесишмасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди.


Оҳангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортган эди. Мазкур кўчалар кесишмасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди.

Мазкур транспорт ечимини уч поғонадан иборат бўлиб, туннель узунлиги 593 метр, халқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қаторли. Илгари бу чорраҳа соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатига 20 мингта транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди.


Яна бир жиҳати, янги объект катта юкларни ўзига олиб, «Тошкент — Чимён» йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

— Пойтахтда енгил автомобиллар сони янада кўпайиши аниқ. Шунинг учун эртанги кунни ўйлаб, кўчаларни кенгайтириш, кўприклар қуриш ишларини давом эттириш керак, — деди Президент.

ЎЗА материали асосида
тайёрланди.



«...Ҳоким фақат ишдан кетиш билан қутулмайди, балки қонун олдида жавоб беради»



Президент ҳокимларни огоҳлантирди

Пандемия туфайли камбағал аҳоли ва ишсизлар сони ошиши, оилалар даромади камайиши тайин. Шу сабабли қисқа фурсатда янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш зарур.

Айни ҳолатдан келиб чиқиб, эндиликда тадбиркорлик муҳити ҳар бир туман ва шаҳар кесимида ойма-ой таҳлил ва ҳулоса қилиб борилади. Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлар муаммосини ҳал қилмаган, улар билан етарли даражада ишламаган шаҳар ва туман ҳокимларининг лавозимга лойиқлиги масаласини кўриб чиқади.

— Барча ҳокимларни огоҳлантираман. Бирорта тадбиркорнинг мулк ноқонуний олиб кўйилса, ҳоким фақат ишдан кетиш билан қутулмайди, балки қонун олдида жавоб беради, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 19 МАЙ КУНИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЎЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ



«Имтиёзлар ҳар бир фуқарогача етиб бориши керак»

Маълумки, эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳозирги кунгача 110 мингга яқин тадбиркорлик субъектининг фаолиятига рухсат берилди, 600 мингдан зиёд ходимлар иш жойига қайтди. Сўнгги икки ойда 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ва 8 миллиондан ортиқ фуқарога қарийб 30 триллион сўмлик имтиёз ва преференциялар берилди.

— Қанчалик оғир бўлмасин, нима шароит яратиш зарур бўлса, барчасини қилдик. Энди иқтисодиёт ва инвестиция комплекслари, сектор раҳбарлари қуйи тизимда ушбу имтиёзларнинг ҳар бир тадбиркор ва фуқарогача етиб боришини таъминлаши керак, — деди Президент.

Республика махсус комиссиясига соҳалар ва ҳудудлардаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, қолган 40 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам босқичма-босқич рухсат бериш вазифаси қўйилди.

Кимлар даромад солиғидан озод этилади

Ўзини ўзи банд қилаётган, кўлида касб-ҳунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилади.

Сартарош, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таксист, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби ўзини ўзи банд қилган 60 дан зиёд касб эгалари даромад солиғидан озод қилинади.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилиш kifoya. Илғор хорижий тажриба асосида бундай фуқароларни рўйхатта олиш ва ҳисобини юритиш бўйича мобил илова ишлаб чиқилади.

Чет элдан яна 12 минг нафар юртдошимиз олиб келинади

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус инфекциясига қарши кураш ишларига яна бир бор тўхталиб ўтди.

Касалликни юқтирган 2 минг 802 нафар фуқародан 2 минг 314 нафари ёки 82 фоизи бутунлай соғайгани, бу курашда чинакам жасорат кўрсатаётган 23 минг тиббиёт ходимига жами 78 миллиард сўмдан зиёд рағбатлантириш пули тўлаб берилгани айтилди.

— Касалликка қарши курашиш билан бирга, чет эллардаги фуқароларимиз ҳақида ҳам қайғуряпмиз. Ҳозирги кунгача хориждан 39 минг нафар юртдошимизни олиб келдик. Чет элда оғир аҳволда қолган яна 12 минг нафар фуқарога тегишли ёрдам кўрсатиб, уларни юртимизга олиб келиш чоралари кўрилоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нега бўш бинолардан самарали фойдаланилмаяпти?

Давлат активларини тадбиркорларга сотиш тизими танқид қилинди, унда ҳалигача бюрократизм сақланиб қолган.

Жумладан, аукционга қўйилган айрим ер участкалари ва кўчмас мулк объектларининг инвестиция мажбуриятлари юқорилиги, инфратузилма ривожланмаган жойлардан ажратилгани сабабли уларнинг 53 фоизи кўлдан бери сотилмай турибди. Шунингдек, 57 та туман ва шаҳарда сўнгги 4 ойда тадбиркорлик учун бирорта ер участкаси аукционга чиқарилмаган. Жойларда давлат улуши мавжуд 552 та объект бўш турибди.

Эндиликда ушбу иншоотларда ишлаб чиқариш қувватлари жойлаштирилгани, айримларида кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Бир қатор давлат хизматлари хусусий секторга ўтказилади

Маълумки, йил бошида хусусий нотариусликка рухсат берилгани натижасида 617 та давлат нотариуси хусусий бўлди ва бюджетдан берилаётган 200 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Худди шунингдек, ҳозирги кунда давлат идоралари кўрсатаётган кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратишда топусуратта олиш каби хизматларни хусусий секторга ўтказилса, мингглаб янги иш ўринлари яратилади.

Шундан келиб чиқиб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги аниқ ҳисоб-китоб асосида, хусусий секторга ўтказиш мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхатини шакллантиради.



Кредит бериш шартлари соддалаштирилади

Пандемия оқибатларини юмшатиш доирасида «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурига ажратилган 1 триллион сўм кредит маблағларини қайтариш мuddати узайтирилди. Шу боис, ушбу дастурни тўлиқ амалга ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион доллар ресурс ажратилди.

Президентимиз махсулот, ускуна, хомашё ҳамда айланма маблағлар учун кредит олишда тадбиркорларга ўрнатилган барча чекловлар олиб ташланиши кераклигини таъкидлади.

Марказий банк кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш шартларини соддалаштиради. Махсулотларга талабни кучайтириш учун савдо фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг истеъмол қобилиятини ошириш мақсадида истеъмол кредитлари бериш кенгайтирилади.

Президентимиз эндиликда банк фаолиятига мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига қараб баҳо берилишини алоҳида қайд этди.



Кичик саноат зоналари бошқаруви ўзгаради

Бундан буён кичик саноат зоналари мулк ҳуқуқи асосида ташкил этилиб, бошқарувга хусусий сектор кенг жалб қилинади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳокимликлар билан бирга ушбу кичик саноат зоналари жойини аниқлаш, инфратузилмасига маблағ ажратиш, бошқарувга хусусий секторни кенг жалб қилиш билан шуғулланади.

Уларни инфратузилмага улаш учун жорий йилда Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 200 миллиард сўм ажратилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Ҳар қанча қийин бўлмасин, тадбиркор учун барча имкониятлар яратилляпти

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида»ги фармон ўз вақтида қабул қилингани билан катта аҳамиятга эга. Зеро, пандемия даврида иқтисодий тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, корхоналар фаолиятини тиклаб, тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш энг муҳим ва устувор масалага айланди. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.



Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Тадбиркорларнинг 300 миллиард сўми тежаллади

Бу ҳақда гапирганда пандемияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари қабул қилиниб, бизнес тузилмаларига қўллаб-қўлланма имтиёз ва преференциялар берилганини, 87 мингта тадбиркорлик субъектининг жами 18 триллион сўмлик банк кредитларини қайтариш муддати узайтирилганини, давлат мулкидан фойдаланаётган 11 мингдан орტიқ тадбиркор ижара тўловидан озод бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бир қаторда кичик бизнес вакиллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилмоқда. Бунинг натижасида 50 мингдан орტიқ тадбиркор 300 миллиард сўми тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди. Энг қувонарлиси, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 миллиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга ошириляпти. Бу борадаги ишлар эса изчил давом эттирилмоқда.

Қатор субъектлар мол-мулк солиғидан озод қилинди

Фармонга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва

савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташвиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябрга қадар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги ва 3 апрелдаги тегишли фармонларига мувофиқ, апрель-май ойлари учун тақдим этилган мол-мулк солиғи ва ер солиғининг фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаларидан, 1 январдан бошлаб 15 майгача бўлган муддатда ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган пеня ва жарималардан воз кечилади.

Аҳамиятли томони, мазкур ҳужжат билан тадбиркорлар учун товарларни (ишларни, хизматларни) олиб киришда (импорт) қўшилган қиймат солиғини тўлашни 120 кунгача кечиктириш ҳуқуқи берилди. Шу йилнинг 1 майдан 1 июлигача бўлган даврда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган давлат корхоналари ва юридик шахслар бундан мустасно.

Микрофирма ва кичик корхоналар хонавайрон бўлмайди

Яна бир муҳим янгилик — микрофирма ва кичик корхоналарнинг айланма маблағлари камайишининг олдини олиш мақсадида 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ қарзлари ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун пеня ва ҳисобланган жарималар бўйича қарздор-

ликларини ундириш 1 сентябргача тўхтатилади. Давлат солиқ хизмати органлари 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш ва ечиб олиш бўйича ин-

бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида, шунингдек, 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида 10 фоизлик пункт миқдорда компенсациялар тақдим қилинади.

Фармонда Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (зарурият бўлганда) солиқ имтиёзлари берилиши ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши натижасида олинмай қолганидан даромадлар муносабати билан

вазирлик хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан субсидиялар ажратиши ҳам назарда тутилган. Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармондан кўзланган мақсад битта — коронавирус пандемияси даврида аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдир. Зеро, фармон талабларининг ўз вақтида бажарилиши минглаб иш ўринларининг сақлаб қолиниши, пировардида аҳоли фаровонлигининг таъминланишига, ишлаб чиқариш суръатларининг тикланишига хизмат қилади.

ДАРВОҚЕ...



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил январь ойидаги ҳисоботларга кўра, мамлакатимизда ёшлар ва аёллар ўртасидаги ишсизлик юқорилигича қолмоқда (мос равишда 14,9 фоиз ва 12,5 фоиз), ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони 1,3 миллион кишини ташкил этади. Иш билан банд аҳоли таркибида норасмий банд кишилар улуши (меҳнат миграциясиз) 39 фоиз-мехнат бозорига чиқаётган ёшларнинг касбий малака даражаси етарли эмаслигидан эътироз билдирилмоқда.

кассо топшириқномаларини қайтариб олади.

Фоиз харажатларини қоплашга компенсациялар ажратилади

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шунингдек, фармонга мувофиқ, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тадбиркорларга кредит фоизлари харажатларини қоплаш учун компенсация беришни бошлайди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75



Эрон олимлари Каспий денгизида сув сатҳи пасайиб кетганини айтишмоқда.

Хонқа — Хоразмда миришқору уддабурон дехқонлар, кафтдек ердан катта даромад топадиган тиниб-тинчимас томорқачилар билан донг таратган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги туман бўлими ходими Сафарбой Султоновнинг ҳисоб-китобига кўра, мавжуд 44 та маҳалланинг деярли барчасида томорқадан оқилона фойдаланилади. Ҳар маҳаллада 100 тадан иссиқхона қуришга киришилган. «Дўстлик», «Истиқлол», «Обод», «Паҳлавон» маҳаллалари бу борада вилоят миқёсида пешқадамлик қилишаётир.

ТОМОРҚАДА

ишлайман деганга имтиёз ва ҳатто маблағ ҳам берилади



— Томорқачиликни пухта ўзлаштирган, меҳнатдан қочмаган киши кафтдек ердан йилига икки-уч марталаб ҳосил йиғади, мўл даромад топади, — дейди тумандаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Фахриддин Маҳмудов. — Бизнинг ҳудудда бирон қарич ер бўш қолмайди. Имкониятга қараб томорқаларда 0,5 дан 5 сотихгача бўлган иссиқхоналар қурилган. Кишин-ёзин томорқадан фойдаланганимиз учун доим қўшимча даромадимиз нақд. Қолаверса, иссиқхона маҳсулотлари хонадон дастурхонини тўлдирди. Ишсизлар, кам таъминланганлар, карантин сабабли четдан қайтиб келганларга айна кунларда томорқачиликнинг, хусусан, иссиқ-

хоначилиқнинг сир-асрорларини ўргатяпмизки, бу билан уларнинг бандлиги таъминланади, даромади ошади ҳам ердан унумли фойдаланилади. Хонадонлардаги иссиқхоналар сони тез кунларда яна 100 тага кўпаяди.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 18 май куни қабул қилинган «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор эса «Дўстлик»даги саъй-ҳаракатларга янада қизгин руҳ бериши, қолаверса, карантин сабаб даромади камайган қишлоқ жойларда яшовчи юртдошларимиз жонига оро кириши аниқ. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида акс этган имтиёзлар томорқа эгаларига ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдала-

нишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб, одамларнинг ишчанлик фаоллигини оширади. Тегишли субсидиялар ажратилиши тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиради, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Мазкур қарор пандемия сабаб ишсиз қолганлар, хорижга ишлаш учун кета олмаганлар учун айна муддао бўлди.

50 миллиард сўм ажратилди

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 50 миллиард сўм миқдорда маблағлар ажратилди. Ушбу маблағлар қандай мақсадларга йўналтирилади?

Қарор билан шу йилнинг 20 майидан бошлаб аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида уч томонлама шартнома тузилиб, шу асосда субсидиялар ажратиш бошланди. Аслида субсидия — давлат бюджетли, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёхуд натура шаклидаги ердамлардир. Субсидия давлат томонидан қайтариб олмаслик шarti билан ажратилади. Демак, ажратилаётган маблағлар аниқ манзилли ва истиқболли тарзда сарфланиши, ўз эгасини топиши, беиз кетмаслиги жоиз.

Маблағ қандай мақсадларга сарфланади?

Қарорга мувофиқ, энди енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш

миқдорининг 30 бараваригача, суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорда субсидиялар ажратилади.

Бундан ташқари, ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга кооперативлар устав фондига улуш сифатида киритиши учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача субсидиялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.



Қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мевасабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, хунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда ташкил этилиши эса халқимизни сархил маҳсулотлар билан таъминлаб, маиший хизматлар кўлами ва сифатини ҳам оширади. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади. Демак, илғор тажрибалар кенг оммалашиб, эҳтиёжмандлар қорига ярайди, олисдан ризқ топганлар энди оиласи бағрдиган узоқлашмай даромад ундиришига замин яратилади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида ихтисослашув турига қараб маҳаллалар боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик йўналишлари бўйича ажратиб ўрганилди. Унга кўра, боғдорчиликка ихтисослашган, сара мевалар етиштирадиган маҳаллалар, асосан, Сурхондарё вилоятига тааллуқли (203 та маҳалла). Қулупнай етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар Тошкент вилоятида 24 та, Наманган вилоятида 12 тани ташкил этса, айна йўналиш Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари маҳаллалари учун хос эмаслиги ойдинлашди. Иссиқхоначиликда Сурхондарёнинг 68 та маҳалласи ҳамда Хоразмнинг 38 та маҳаллаларига етадиганлар йўқ. Қувонарлиси, чорвачилик республикаимизнинг 901 та маҳалласида жуда яхши ривожланган. Ушбу рўйхат баъзи соҳаларнинг камайиб бораётганини ҳам кўрсатди. Жумладан, мамлакат миқёсида нок (18 та) ва анжир етиштириш (4 та), қорақўлчилик (8 та), туячилик (8 та) каби йўналишлар оқсаётгани, уларни ривожлантириш кераклиги ҳам ушбу ўрганиш доирасида яққол ойдинлашди.

АҚШ Хитой ва ЖССТни пандемия қурбонларининг аниқ сонини яширишга уринганликда айбламоқда.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР одамларни қийнаётган масалаларга ечим бўла оладими?

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 11 майдаги «2020 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тегишли дастур қабул қилинди. Ҳужжат билан 2020 йил охиригача 24 та қонун лойиҳаси тайёрланиши ва Олий Мажлисга киритилиши режалаштирилмоқда. Ҳўш, жорий йилда қандай қонунлар қабул қилинади? Улар бизга нима беради? Ҳужжатлар ҳақиқатда одамларни қийнаётган масалаларга ечим бўладими? Куйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

Раис 5 йилга сайланади, минимал норма 20 фоизга ошади

Жорий йилда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги тегишли фармон ва қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди, тузилманинг ваколатлари кенгайтирилди, шунга монанд қонунга ҳам ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилди. Ҳўш, ҳужжатда қандай ўзгаришлар бўлади?

— Асосий ўзгаришлардан бири — фуқаролар йиғини раисининг ваколат мuddати 3 йилдан 5 йилга узайтирилгани билан боғлиқ, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Элмурод Қаримов. — Бу раисларга фуқаролар билан янада яқинроқ бўлиш, ўз билим ва бошқарув қобилиятини тўлиқ намоён этишига имконият яратади. Шунингдек, сайловда ошкораликни таъминлаш мақсадида тегишли ҳудуддаги кўчалар ва кўп квартиралар уйлар вакилларига ҳам кузатувчи мақомини бериш назарда тутилган. Коллегиал орган сифатида фуқаролар йиғини мажлиси тушунчаси киритилиб, сайловни ташкил этиш ва ўтказувчи ишчи гуруҳ аъзоларининг сони аниқлаштирилмоқда. Энди улар 7-11 нафарни ташкил этиши мумкин.

Яна бир ўзгариш — сайловда иштирок этадиган фуқаролар вакилларининг минимал нормаси билан боғлиқ. Ҳозирда бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этади. Эндиликда сайлаш жараёнини янада демократлаштириш, аҳо-

ли вакилларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида бу рақам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида йиғирма фоизини ташкил этиши керак бўлади.

Томорқа тўғрисидаги қонунга қанчалик эҳтиёж бор?

Бугун мамлакатимиздаги 4,5 миллиондан зиёд томорқа ер эгалари ихтиёридаги 434,7 минг гектар ер майдонида деҳқончилик қилмоқда. Уларга давлат томонидан кенг шарт-шароит ва имтиёзлар яратилган.

Ҳўш, соҳага эътибор кучайган айни шароитда томорқа ер эгаллиги, ундан фойдаланишга доир муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай? Қонунларимиз томорқа хўжалиги бўлган боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олганми?

— Маълумки, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош қомусимиз асосида тартибга солинади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Раҳимов. — Шунингдек, «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ улар томорқа ер эгаллигидаги ердан фойдаланиш бора-бора муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўла қамраб олмайди. Жойлардаги ўрганиш ва таҳлиллар ҳам томорқа хўжалигига оид яхлит ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда.

Шундан келиб чиқиб, айни пайтда «Томорқа хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда томорқа тушунчаси, унинг субъектлари,

ҳуқуқий мақоми, томорқа ер эгалари фаолияти, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимига оид нормалар киритилмоқда. Шахсий томорқадан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада давлат органлари, фуқаролар йиғинларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш мақсад қилинган.

Ижтимоий суғурта билан боғлиқ муносабатлар қай ҳолатда?

2020 йилда «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги қонунни ҳам қабул қилиш кўзда тутилган. Унда ижтимоий суғурта тушунчаси, унинг турлари ва амалга ошириш шартлари очиб берилади. Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни амалга ошириш ва уларнинг миқдорини аниқлаш тартиби назарда тутилади.

Шунингдек, депутатлар «Мажбурий суғурта турлари тўғрисида»ги қонунни ҳам кўриб чиқишда. Ҳужжатда мажбурий суғурта турлари, уларнинг умумий таъминлари, асосий тушунчалари, субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб берилади. Бундан ташқари, мажбурий суғурта турларини амалга ошириш шартлари ва тартиби, зарарлар(зиён, шикаст)ни компенсация қилишни кафолатлаш, шунингдек, мажбурий суғурта шартномаларини тузиш устидан назорат қилиш механизми назарда тутилади.

Чиқиндилар янги тартиб асосида таснифланади

Маълумотларга кўра, юртимизда маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланмоқда. Бу борада хусусий сектор улуғи паст. Санитар тозалаш хизматлари ҳамма маҳаллаларда ҳам мавжуд эмас.

Албатта, чиқинди пайдо бўлишини бутунлай тўхтатиб бўл-

майди. Аммо ҳосил бўлаётган чиқинди кўрсаткичини камайтириш,

уларни қайта ишлаш, табиий ресурслар сарфини камайтириш, чиқиндиларни тўғри йўқотишнинг муқобил йўллари ишлаб чиқиш имкони ҳар доим мавжуд. Айни ҳолатлар янги таҳрирдаги «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

— Қонунга кўра, чиқиндиларни таснифлашнинг бешта хавфлилик синфи ўрнига саноат тармоқлари ва кимёвий-физик хоссалари асосида таснифлаш тизими жорий қилинади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулло Ғафоров. — Имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали чиқитиш ва кам чиқитиш технологияларни ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Шунингдек, саноат объектларидаги хавфли чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз сақлашни ташкил этиш таъминланади. Ўз истеъмол хусусиятларини йўқотган ва таркибидан хавфли моддалар бўлган товарларни (симоб-ли термометрлар, батареякалар, симобли лампалар ва бошқалар) йиғиш, фойдаланиш ёки зарарсизлантириш тизими яратилади.

Албатта, қабул қилиниши мўлжалланган ҳужжатларнинг қамрови кенг, аҳамияти юқори. Уларнинг соҳага доир мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши, муаммолар ечимини аниқ кўрсатиб бериши, йўналишдаги турли қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириши эса долзарб масала. Демак, бу жараён қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчилардан юксак масъулият, фаол фуқаролик позициясини талаб қилса, депутатлардан қонунни соҳанинг барча жиҳатларини ҳисобга олиб қабул қилишни, оддий одамлар ҳаётига энгилликлар яратиш бўйича таклифлар киритишни, ҳар бир жараён бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолашни лозимлигини тақозо этади. Кутамиз ва кузатамиз.

Санжар ИСМАТОВ
«MaHalla»

Мақтабларда якуний имтиҳонлар бекор қилинди.

Давлат қарзи ортиши қандай натижаларга олиб келади?

пандемия даврида Ўзбекистон ташқи ва ички қарзлари ўсишини сезиларли даражада камайитириши ва уларга қатъий чегара ўрнатиши керак

«Халқаро валюта жамғармаси Директорлар кенгаши 2020 йил 18 май санасида Коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодийётига салбий таъсирини юмшатиш учун 375 миллион АҚШ доллари эквивалентини қарз маблағлари ажратилишини тасдиқлади». Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров куни кеча ушбу маълумотни эълон қилди.

Сўнгги йилларда давлатимиз қарзи ҳақидаги маълумотлардан барча хабардор, қолаверса, давлат қарзи ошиб бораётгани ташқи ва ички иқтисодий жараёнларда давлатнинг фаол қатнашаётганини билдиради. Бу, албатта, яхши. Аммо ҳар қандай қарзни қайтариш ҳам керак. Хўш, давлат қарзининг ўсиб бориши нималарга олиб келади?



Бу ҳол мамлакат иқтисодий ўсишига қандай таъсир ўтказиши? Давлат бюджет-солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда нима-ларга эътибор қаратиш зарур? Айни саволлар юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири

Жамшид Қўчқоровнинг хузуридаги **Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти** катта илмий ходими **Жавоҳирбек Шералиев**га мурожаат қилдик.

Нима учун қарз олишга эҳтиёж туғилади?

— Давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг мутаносиб келиши — мамлакатдаги солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлайди, — дейди **Ж.Шералиев**. — Агар бюджет изчил равишда бир неча йиллар мобайнида дефицит — камомад ҳолатида бўлса, унда ички ва ташқи манбалардан қарзи ортиб бориши табиийдир. Яъни камомадни қоплаш учун ҳукумат қарз олишга мажбур бўлади. Мамлакатимизда бюджет тақчиллиги 2015 йилдан буён кузатилмоқда. Давлат халқаро биржаларга қимматли қоғозларини жойлаштириш, халқаро молиявий институтлардан кредитлар олиш эвазига мазкур дефицитни қоплаб келмоқда. **Натижа** ўларок, қарзимиз ҳам йилдан-йилга ортиб бораётти.

Давлат бюджетининг кейинги йиллардаги дефицит ҳолати давлат қарзи миқдорини сезиларли даражада оширди. Ўзбекистон давлат қарзи миқдори 2014 йилда

12 млрд. АҚШ доллари миқдорига, 2016 йилда деярли 16 млрд. АҚШ долларига етган. 2019 йил якунларига кўра умумий давлат қарзи миқдори 17,6 млрд. доллардан ошди (ЯИМга нисбатан 30,5 фоиз).

Ички ва ташқи қарз учун оптимал чеклов лозим

Давлат қарзи — иқтисодийётни ривожлантириш учун муҳим омил, аммо унинг ҳаддан ортиб кетиши келгуси иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай шароитда ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи қарзи миқдорига нисбатан оптимал чеклов даражасини қўйиши, бу чеклов мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсирини минималлаштирадиган нуқтада бўлиши — ҳозирги кунда барча давлатларнинг иқтисодий сиёсати олдида турган долзарб вазифа саналади. Турли халқаро институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа иттифоқи мамлакатнинг давлат қарзи лимитини белгилаш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқда.

Жумладан, Европа иттифоқи қўшилишининг асосий шартларидан бири — давлат қарзининг ЯИМга нисбати 60 фоиздан ошмаслиги. Сўнгги йилларда Ўзбекистон давлат қарзининг тақлиф қилинган даражадан ошиб бораётгани қарз даражасини чеклаш борасида аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Давлат қарзининг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, ташқи қарз охириги йилларда ички қарзга нисбатан ортиб бораётти. Ўзаро солиштирилса, 2019 йилда бу нисбат 4 баробар тезроқ ўсган. Бу нимадан далолат? Бу — коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон ташқи ва ички қарзлари ўсишини сезиларли даражада камайитириш

ва уларга қатъий чегара ўрнатиш кераклигидан далолат. Агар иқтисодий ўсиш прогноз кўрсаткичларидек бўлмаса, давлат бюджети кейинги йилларда қарзни тўлаш ҳажминини оширишига тўғри келади. Табиийки, иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди.

Қисқа муддатли ишларда самарадор, узоқ муддатларда-чи?

Агар аҳолига молиявий кўмак берилса, бу қисқа муддатли даврда мамлакатда фаровонлик даражасини оширади, узоқ муддатли даврда эса занжирли иқтисодий жараёнлар натижаси бўй кўрсатади: ҳеч қандай товарли асоси мавжуд бўлмаган ялпи талаб ялпи тақлифга нисбатан ошиб кетади. Бу эса ҳозирги шароитда нархлар даражасини оширади. Оқибатда ташқи ва ички манбалардан маблағлар жалб этиш натижасида давлат қарзи ҳажми ошади, тўлов баланси ҳолати ёмонлашади, валюта курси яна кўтарила бошлайди. Навбатдаги инфляция босим юзага келади.

Пандемия шароитида қандай чоралар кўрилгани маъқул?

Коронавирус пандемияси даврида бюджет-солиқ сиёсати барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, давлат ташқи қарзининг самарали бошқарилишини таъминлаш учун, аввало, мамлакатимизда истеъмол (уй хўжаликлари истеъмол харажатларини ошириш)ни рағбатлантириш билан бирга, ишлаб чиқаришни ҳам вақтинча рағбатлантириш керак. Яъни уларга берилган солиқ имтиёзларидан ташқари, имтиёзли кредитлар берилса, ишлаб чиқариш рағбатлантирилади ва иш ўринлари сақлаб қолинади. Агар ишлаб чиқарувчи

иш ҳақининг бир қисмини вақтинча тўлай олмаса, давлат имтиёзли кредит ажратиши бугунги шароитда энг яхши чорадир.

Мамлакат иқтисодийёти бошқа мамлакатлар иқтисодийётига боғлиқ. Масалан, Россия ва Хитой билан экспорт-импорт операцияларимиз ҳажми юқори. Шу боис бу давлатлардаги иқтисодий ўзгаришларнинг салбий оқибатлари иқтисодийётимизга таъсир этишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарур.

Давлат қарзининг юқори чегараси даражасини белгилаш ва давлат қарзи даражасининг бу кўрсаткичдан ошиб кетмаслигини таъминлаш — кечиктириб бўлмас вазифаларимиздан. Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига кўра, давлат қарзининг юқори чегараси 55 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Ҳисоб-китобларга кўра, айни пайтда давлат қарзининг ЯИМга нисбати 30,5 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси учун давлат қарзи чегараси 45 фоиздан ошмаслиги лозим.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджет кодексига давлат қарзи тўғрисидаги банд киритиш, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари тасдиқланганидек, давлат қарзи параметрларини белгилаб олиш ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг барча қарзлари иқтисодни янада кўтариш ва реал даромад келтиришга сарфланаётгани энг тўғри йўл ва бу ҳол халқаро экспертлар томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА тайёрлади.

Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солиғидан озод қилинади.



ГҮШТ НАРХИНИНГ ҚИММАТЛИГИ ОЗУҚАГА БОҒЛИҚМИ?

Гүшт — аҳоли истеъмолидаги энг асосий маҳсулотлар сирасига киради. Шу боис унинг нархи билан боғлиқ вазият доимо муҳокамалар марказида бўлади. Тан олиш керак, сўнгги вақтларда бозор расталари ва дўконларда гүшт нархининг кескин ошлиб бораётганидан кўпчилик ташвишга тушмоқда. Дейлик, ўтган йил якунларида унинг нархи тахминан 40 минг сўм бўлган бўлса, айни пайтда ҳар килоси 50-60 минг сўмдан сотилмоқда. Айрим жойларда нарх 70 минг сўмдан ҳам зиёд.

Гүшт нархи нега қиммат?

Гүшт нархининг узлуксиз юқорилаб бораётганини мутахассислар бир қанча омиллар билан изоҳлайди. Озуқа-ем маҳсулотлари таннархининг юқорилиги, озуқа-ем етиштириш учун ер майдонларининг етишмаслиги, жойларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш комплексларининг етарлича ривожланмагани шулар сирасидан.

Яна бир жиҳат — халқимизнинг гүштта бўлган эҳтиёжини қондиришда фақат чорва гүштига таяниб қолмасдан, паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарур. Зеро, ер ва сув ресурслари, яйловлар чекланган шароитда қорамолчилик нисбатан катта харажат талаб этишидан кўз юмиб бўлмайди.

Хуллас, гүшт нархининг ошишига кўплаб омиллар таъсир қилмоқда. Мазкур масалаларнинг ечимини топмасдан нарх-навоми маъмурий йўл билан чеклаш амалиёти самара бермаслигини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг 12 май куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солуви» норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қаро-



ри айни шу мақсадларга хизмат қилади. Хўш, хужжат билан қандай тартиб белгиланмоқда? Субсидия кимларга берилади? У гүшт нархиға қанчалик таъсир кўрсата олади?

Субсидия кимларга ажратилади?

— Давлат томонидан субсидия ажратилиши реал секторда сифати кафолатланган чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва наслчилик ишини янада яхшилашга хизмат қилади, — дейди «Ўзбекчорванасл» агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Зиёдулла Пирназаров. — Чорвачиликда зотдор мол боқмай, маҳсулот сифати ва салмоғи ҳақида жўяли натижага эришиб бўлмайди. Айни жиҳатдан эндиликда қарор билан 2020-2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, кўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия ажратилади.

Бундан ташқари, хужжатта мувофиқ, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган балиқчилик хўжаликлари томонидан интенсив усулда етиштирилган, шунингдек, юртимизга импорт қилинган наслдор она балиқлар, «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинган бир кунлик наслдор жўжалар учун субсидия ажратилади.

Чорвадорлар озуқа муаммосидан қачон қутулади?

Албатта, тоза зотли молларни

кўпайтириш ва бу орқали юқори самарадорликка эришиш учун мазкур қарор муҳим аҳамият касб этади. Аммо бугун хонадонда тўрт-беш бош мол боқиб оиласи ва маҳалласининг дастурхони тўкинлигига хизмат қиладиган юртдошларимиз учун бунинг ўзи етарли эмас. Чунки хонадонда мол боқиш учун омухта ем нархи арзон бўлиши, яйловга бўлган эҳтиёж қондирилиши шарт. Бу, ўз ўрнида, аҳолининг зотдор молни боқа олиши учун замин яратади.

Содда қилиб айтганда, бугун аксарият юртдошларимиз жайдари молни топган-тутгани билан парвариш қиляпти. Ажратилган субсидия эвазига олиб келинган зотдор чорвани боқиш учун эса бу кифоя қилмайди. Шундай экан, озуқа масаласи қандай ечилади?

— Томорқа ери бўлган аксарият юртдошларимиз мол боқади ва йил сайин уни кўпайтириб боряпти, — дейди «Ўзбекчорванасл» агентлиги бошқарма бошлиғи Камолиддин Ҳайдаров. — Демак, эҳтиёж ортиб боряпти. Омухта ем маҳсулотлари эса амалдаги қонунчилик талабларига асосан, биржада эркин савдога қўйилган. Яъни нархни бозордаги талаб ва таклиф ҳал этади. Шу боис омухта еми ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш муаммога ечим бўла олади.

Яна бир жиҳат: дунёда чорвани озиклантириш учун, асосан, силос ва омухта ем ишлатилади, юртимизда эса такрорий экин сифатида маккажўхорининг интенсив навидан гектарига 50-60 тонна силос олиш мумкин. Эътиборлиси, 1 килограмм силоснинг таннар-

БИЛАСИЗМИ?

Гидропоника ускунасининг ҳар бирида кунига 500 килограмм хашак ўстириш орқали 150 гектар суғориладиган майдонда етиштириладиган хашак экинларининг ўрнини босиш мумкин. Бунинг натижасида 1 миллион 50 минг куб метр сув тежалади ва суғориш учун сарфланадиган 4 миллион 446 минг сўм харажат иқтисод қилинади. Шунингдек, 15 минг литр ёқилғимойлаш материаллари тежалиб, 120 миллион сўм харажат фойдага қолади.

ҳи бор-йўғи 150 сўмни ташкил этади. Бу шрот-шелухага нисбатан 10 барабар арзон озуқани бемалол чорвадорларнинг ўзи етиштира бўлади дегани. Демак, чорвачилик йўналишидаги фермерлар такрорий экин майдонларидан унумли фойдаланиш чораларини кучайтириши лозим.

Озуқани гидропоника усулида етиштириш мумкинми?

— Халқимизда ишнинг кўзини биланган ютади, деган нақл бор, — дейди К.Ҳайдаров. — Шу маънода бугун ҳар бир соҳада илм ўрганиб, янгиликларни жорий этган киши ютади. Масалан, ҳозир хашакни гидропоника усулида етиштириш оммалашмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатот туманида «Бўзатот яйлови» ишлаб чиқариш кооперативи томонидан гидропоника усулида қорамоллар учун озуқа етиштириш тажрибаси йўлга қўйилган. У ерда озуқавий экинлар тупроксиз, маҳсул жихозланган шароитда сувда эритилган озуқа моддалари ёрдамида етиштирилмоқда. Таъкидлашничи, шу усулда ўстирилган 1 кг. бугдой бир ҳафта ичида 5 кг.дан 7 кг.гача салмоқ босади.

Яна бир муҳим жиҳат — гүшт нархини фақат озуқа билан боғлаш ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки бозордаги нарх-наво гүштнинг қийматиға бевосита таъсир қилади. Бунинг ечими эса чорвачилик йўналишидаги фермаларни янада рағбатлантириш ва уларнинг сифини кенгайтириш билан боғлиқ. Ҳукумат қарори эса айни масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Томорқа бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш таклиф қилинмоқда.

Пандемия бутун дунё хаётига таъсир қилмасдан қолмади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар сурати 10 баробарга тезлашди. Бунинг биргина ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеликлар мисолида ҳам кўриш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш мумкин. Жумладан, эндиликда юртимизда ҳам банкларни хусусийлаштириш жадаллашади. Хўш, бундан аҳоли нима ютадию, нима ютқазади? Банк давлатники бўлиши ёки хусусийлаштирилишидан ким кўпроқ наф кўради? Хуллас, саволларнинг охири йўқ. Ўзи нима гап?



Энди банклар ўз аравасини ўзи тортадимми?

Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони билан «Ипотека-банк» АТБ, «Ўз-санеоатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Турон-банк» АТБ хусусийлаштирилган бўлди. «Лойиҳалар фабрикаси» учун «Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖ, «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталларида давлат улуши сақлаб қолинади.

Хусусийлаштириш нима учун керак?

Очигини айтиш керак, фармон билан банк секторига давлатнинг юқори даражадаги аралашуви сезиларли даражада чек қўйилади. Бугунги вазият эса молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатишни талаб қилмоқда. Янги фармон шу жиҳатларга эътибор қаратилгани билан аҳамиятли. Аммо бизни бошқа бир масала, яъни банкларни хусусийлаштиришдан оддий одамларга бирон наф борми, деган сўроқ кизиктиради. Ва яна давлат улушини сақлаб қолиш учун нега айнан шу 3 та банк танланди? Миллий тажрибада аввал ҳам «шахсий» банклар бўлган, янгилари улардан фарқланадими? Алақоқибат, мақолаимиз орқали шу саволларга жавоб излашга аҳд қилдик.

— *Тўғри, республикамизда хусусий банклар шу кунгача ҳам бўлган, — дейди Марказий банк масъул ходими Акмал Назаров. — Бироқ уларнинг банк хизматлари бозоридаги улуши бор-йўғи*

15 фоизни ташкил этади. Тизимда давлат улушининг юқори миқдорда сақлаб қолиниши банкларнинг умумий ривожланиши ҳамда молиявий воситачи сифатида самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Давлат иштирокидаги банкларнинг халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилиниши ва хорижий стратегик инвесторларга сотилиши корпоратив бошқарув ва риск-менежмент тизимини такомиллаштиради. Пировардида халқаро тажрибага эга иштирокчилар билан бир қаторда, банк тизимига янги технологик ечимлар кириб келади. Уларнинг бизнес-моделлари ўзгариб, мижозларга йўналтирилганлик даражаси ортади.

ДАРВОҚЕ...

Хусусийлаштиришдан банклар нима ютқазади?

Тижорат банкларининг хусусийлаштирилиши ёки хусусий банкларнинг кўпайиши уларнинг фаолияти назоратини бироз заифлаштиради. Бу операциялар ва кредит рискларининг ошишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, хусусий банклар томонидан бошқарувга етарли малакага эга бўлмаган кадрларнинг тайинланиши ишда жиддий камчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Бу инвесторлар ва омонатчиларнинг маблағлари ва манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Оддий аҳолига фойдаси борми?

Хусусий банклар сонининг кўпайиши тизимда рақобат муҳитини кучайтиради. Кучли рақобат мавжуд бўлган бозорда хизматларнинг сифати яхшиланади, нархлари арзонлашади. Маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлади. Массофавий банк

хизматлари кўлами кенгайиб боради. Бундан эса, ўз навбатида, тадбиркорлар ва оддий аҳоли ҳам манфаат кўради.

Шунингдек, банкларнинг инвестициявий жозибadorлиги, хизматларнинг оммабоплиги ва сифати ортади. Банкларнинг худудларга кириб бориши кенгайиб, барча аҳоли пунктларида турли молиявий хизматлар кўрсатилиши таъминланади. Бир сўз билан айтганда, энди банклар мижоз учун курашади.

6/3 қандай мантқиқ асосида сараланган?

Ислохотлар даврида давлат иштирокидаги корхоналарнинг кредитлашга бўлган талабини чеклаб қўймаслик, молиявий оммабопликни таъминлаш учун айрим банкларда давлат улушини сақлаб туриш мақсада мувофиқ. Шунга кўра, ўрта муддатда давлат иштироки 3 банкда сақлаб қолинади. Хўш, нега айнан улар?

«Агробанк» ва «Микрокредитбанк»нинг барча худудларда филиаллари мавжуд. Уларнинг фаолияти кичик ва ўрта бизнес, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кредит орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган. «Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» фаолияти эса устувор равишда стратегик корхоналар ва инвестиция лойиҳаларига бозор шартларида банк хизматларини кўрсатиш, шунингдек, кенг қамровли банк маҳсулотларини тақдим этишга ихтисослашган.

Қолган банкларда давлат улушини сақлаб қолишнинг жиддий асоси бўлмагани сабабли улар босқичма-босқич хусусийлаштирилади. Улар халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилинади. Иккинчи босқичда эса мазкур банклардаги давлат акциялари пакети стратегик инвесторларга сотилади.

Нега аввалроқ бу ишга кўл урилмади?

— *Боиси мамлакатимиздаги*

йирик тижорат банклари, асосан, иқтисодиётнинг маълум бир тармоғини ривожлантириш ёки қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилганди, — дейди **Ўзбекистон банклари Ассоциацияси бosh директорининг ахборот масалалари бўйича маслаҳатчиси Жамолiddин Хўжахонов**. — Йиллар давомида бу тармоқларни молиявий таъминлаш мақсадида тижорат банкларига давлат томонидан қўшимча молиявий ресурслар жойлаштириб келинган. Иккинчидан, яқин йилларгача мамлакатимизда инвесторлар учун қулай бизнес муҳити етарли даражада эмасди. Бунинг нечта омилларда кўриш мумкин. Масалан, ички валюта бозорининг барқарор эмаслиги, давлат ва регуляторнинг банклар фаолиятига ортиқча аралашилари шулар сирасидан. Ушбу омиллар инвесторларни мазкур соҳага маблағ йўналтиришдан қайтаради.

Шунингдек, бугун банк активларининг 85 фоиздан ортиғи давлатга, 60 фоиздан зиёди эса бешта давлат банки («Миллий банк», «Асака банк», «Халқ банк», «Asia Alliance bank» ва «Пойтахт банк») га қарашли. Тизимда давлат банкларининг устуңлиги пул-кредит сиёсатини ўтказиш механизmlарини заифлаштиради ва йирик банкларни анъанавий банк функцияларини бажаришда самарасиз қилади.


Давлатимиз раҳбари: «**Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича «ўз аравасини ўзи тортиши» керак. Шундагина бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади**», — деган эди. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши юқоридаги сўзларнинг амалий ифодаси бўлди.

Татбиқ этилаётган тизимга сиртдан юзак баҳо бериш холисликка соя солади. Шундай экан, биз ҳам хулоса қилишга шошилмаймиз. Зеро, тажрибанинг омадди ёки аксинча бўлишини вақт кўрсатади. Ҳозирча шу ерда тўхтаимиз, бироқ бу мавзуга яна қайтамиз...

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Бу йил мактаб битирувчиларига аттестатнинг электрон варианты топширилади.

Маҳалладан НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ВАКОЛАТИ олиб қўйилдими?



Аммо моддий ёрдамнинг тайинланиши инсон омилига боғлиқ бўлиб қолгани туфайли ҳар доим ҳам у шаффоф, адолат тамойиллари асосида белгиланавермайди. Кўп бор эшитганмиз: айримлар моддий аҳволи қониқарли бўлса-да, «олғирлик» қилиб, бу имкониятдан фойдаланишга уринади. Баъзида эса айрим фирибгар масъуллар томонидан моддий ёрдамни ўз қариндошлари, яқинларига ажратиб бериш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Хўш, бунга чек қўйиш мумкинми? Албатта, бунинг биргина усули бор — тизимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиб, шаффофликни таъминлаш мумкин. Айни шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелда «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Янги тизим шаффофликни таъминлай оладими?

Хужжатта биноан, Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими («Ягона реестр» АТ) орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам беришни кўриб чиқиш ва тайинлаш белгилаб қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 майдаги тегишли қарори билан тажриба лойиҳаси доирасида аниқланган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида хужжатга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хўш, «Ягона реестр» АТ ўзини ма? У тизимда адолат тамойилларини тўлиқ таъминлай оладими? Тажриба давомида қандай хатолик ва камчиликлар аниқланди? Бу тизим қачон республикамиз бўйлаб тўлиқ жорий этилади?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси СОП бошқарма бошлиғи Шерзод САПАРОВга мурожаат қилдик.

— Бугунгача кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам ажратиш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 44-сонли қарорига асосан, махсус комиссиялар томонидан тайинланган, — дейди Ш.Сапаров. — Бундан кўриниб турибдики, ушбу қарорда нафақаларни тайинлаш масаласи инсон омилига боғлаб қўйилган. Шунингдек, асосий масалани ҳал қилиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларига юқори ваколатлар бериб қўйилган. Афсуски, жараёнда бу тизим ўзини у даражада оқламапти.

«Ягона реестр» АТ орқали инсон омилсиз (ходимлар иштирокисиз) ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиб, дастурга киритилган маълумотлар асосида кам таъминланган оилаларга ижти-

моий нафақалар ва моддий ёрдам беришни кўриб чиқиш ва тайинлаш тартиби автоматик (техник) тарзда ҳал этилади. Дастур бўйича барча масъул ташкилотларнинг ўзаро ахборот алмашинуви онлайн тарзда амалга оширилиши ҳолислик, шаффофлик ва ижтимоий адолат принципларини таъминлайди.

Нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза расмий веб-сайтида, Интерактив давлат хизматлари ягона порталида шахсий кабинет орқали электрон аризани тўлдириш билан амалга оширилади.

«Сирдарё тажрибаси»да қандай камчиликлар аниқланди?

Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида қатор камчиликлар кўзга ташланди. Жумладан, ижтимоий нафақаларни тайинлашда Пенсия жамғармалари туман марказида жойлашгани, нафақа тайинлаш мутахассислари сони камлиги, аҳоли яшайдиган ҳудудлар марказдан олисдалиги сабабли хужжатларни фуқаролардан қабул қилишда муаммолар юзага келди.

Уларни ҳал этиш учун маълумотларни (вақтинча) Пенсия жамғармаларига тақдим қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари хизматларидан фойдаланилди. Шунингдек, амалиётда айрим идораларга алоқадор бўлган баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам аниқланди.

Мамлакатимизда ишсиз, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакка муҳтож фуқароларга давлат томонидан доимий беғараз ёрдам кўрсатиб келинади. Хусусан, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа, моддий ёрдам уларнинг фуқаролар йиғинига қилган мурожаати асосида ҳудуддаги мутасадди ташкилот вакиллари билан махсус комиссия қарори билан қонун хужжатларида белгиланган миқдорда берилади.

Айни пайтда «Ягона реестр» АТ дастурига боғланган қорхона ва ташкилотлар маълумотларидаги мавжуд камчиликлар ҳамда дастурдаги техник хатоликларни бартараф этиш борасида зарур чоралар кўрилмоқда.

Янги қарор билан нималар ўзгарди?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги тегишли қарори билан тизимга бир қатор ўзгаришлар киритилганини айтиб ўтдик. Хўш, улар нималардан иборат?

Қайд этиш керак, Низомга асосан, нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилаларга ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун компенсация бериш юзасидан қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсацияларни ишончнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи киритилиб, Вақтинчалик Низомнинг амал қилиш мuddати 2020 йил 1 октябргача узайтирилди.

Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларида техник хатоликлар аниқланганда, тўловлар тўхтатилиши, ушбу ҳолат бўйича ариза берувчига электрон хабарнома ёки SMS-маълумот юборилиши белгиланди.

Қайд этиш керак, 2020 йилнинг июль ойидан бошлаб «Ягона реестр» АТ республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич амалиётга жорий қилинади. Мазкур дастурнинг ишга туширилиши билан маҳалла раислари ва махсус комиссияларнинг уч турдаги нафақани тайинлаш ваколати бекор қилинади. Улар эндиликда нафақа тайинлашмайди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мазкур дастур нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашда шаффофликни таъминлайди, жараённинг очиқ ва ошқора ўтишига хизмат қилади. Соҳадаги коррупция, қоғозбозлик каби иллатларнинг барҳам топишига замин яратади.

«Mahalla» мухбири
Санжар ЭШМУРОДОВ
ёзиб олди.

ДАРВОҚЕ...

Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида биноан, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилади.



Прописка тизими узоқ вақт юртдошларимизнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини камситиб келди. Бошқача айтганда, пойтахт бошқа ҳудудларда яшовчи одамлар учун ўзга бир давлат бўлиб қолди. Вилоятликлар пропискиси йўқлиги боис пойтахтда ўз номидан бирор-бир ҳуқуқий муносабатни амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. Тошкент аҳолиси қаторидан жой олиш эса ўта мураккаб ва қийин жараён ҳисобланиб, бошқа давлат фуқаролигига кириш унинг олдида жўн иш бўлиб қоларди. Энг ачинарлиси, пойтахтни пропискисизлардан тозалаш учун шаҳар кўчалари бўйлаб патруль-пост автобуслари кезиб юрарди.



«ПРОПИСКА» ТУШУНЧАСИ ҚОНУНЧИЛИКДАН ЧИҚАРИЛДИ: ТИЗИМДАН ТЎЛИҚ ВОЗ КЕЧИЛДИМИ?

Албатта, бошқа ҳудудлардан одамлар Тошкентга фақат ҳавас учун эмас, мажбурликдан иш излаб келишарди. Инсон учун бундан ортиқ таҳқир борми?! Бу ҳам майли. Вақтинча прописка билан бирор ташкилотда ишлаётганлар ҳам шаҳарлик танишининг номига тураржой сотиб олиб, йиллар давомида ўз уйида «ижарачи» бўлиб яшашта маҳкум эди... Аслида прописканинг барча ғалваю машмашасини эслатишга ҳожат йўқ. Чунки бу кечагина — икки-уч йил нарида бўлиб ўтган, оқиба-ти ҳозиргача давом этиб келган воқеалар. Тўғри, кейинги йилларда бу борадаги вазият анча юмшадди, лекин прописка моҳиятан ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмади.

Маълумки, яқинда Президентимиз «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунга имзо чекди. Қонунга кўра «доимий прописка» тушунчасидан воз кечилиб ўрнига «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» деган атама киритилди. Ҳўш, ушбу ўзгариш билан прописка тизими бутунлай йўқ бўлди-ми? Умуман, бу соҳада фуқаролар учун қандай энгилликлар юзага келди?

Яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланади

— Мазкур қонун мамлакатимиз фуқароларини республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашни кўзда tutади. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси депутати Фахриддин Самадов. — «Прописка» сўзи маънавий эскирганлиги ва ушбу атама фуқаролар онгида «тўсқинлик қилувчи», «эркинликни чекловчи» деган тушунчаларни келтириб чиқараётгани сабабли, қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчага кўра, «доимий прописка» сўзлари «яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзларига алмаштирилди. Аҳамиятлиси, ўзгариш фақат номлашида бўлгани йўқ. Эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлиш учун бу ҳудудларда доимий рўйхатга бўлиш талаби бекор бўлди.

Қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида фуқароларга нафақат биринчи

тиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шартли ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда пропискани йўқотиш бўйича қоидалар бекор қилинди. Янги тартибга кўра, эр-хотинга улар никоҳдан ўтган куннинг ўзида яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи берилди. Яна бир ўзгариш — оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш имконига эга бўлди.

Узлуксиз беш йил давомидаги фаолият инобатта олинади

Илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — доимий яшаш учун тегишлича Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олинишини ҳам муҳим қулайлик сифатида тилга олиш мумкин. Яъни олдин амалда бўлган тартиб бўйича аввалги яшаган манзилига фақатгина давлат йўланмаси билан ишга юборилган, ўқиш учун кетган, жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқиб, қайтиб келган фуқароларгина, агар шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этсалар, яна қайтадан доимий рўйхатга олинган.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти органларида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида ҳамда бошқа давлат ташкилотларида узлуксиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр мобайнида меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари), шунигиндек, уларнинг оила аъзоларига доимий рўйхатга туриш имконияти тақ-

дим этилгани кўплаб фуқаролар учун айна муддао бўлди. Қонунда бошқа ўзгаришлар ҳам назарда тутилган бўлиб, энг аҳамиятлилари шулардан иборат.

Босқичма-босқич тўлиқ бекор қилинади

Юқорида таъкидланганидек, қонунчиликдан «прописка» тушунчаси чиқариб ташланди, кўплаб чекловлар ўз кучини йўқотди. Лекин бу хоҳлаган киши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга ўтиш имкониятига эга дегани эмас. Ҳўш, нима учун эски тизимнинг айрим қоидалари ҳалигача сақланиб қоляпти? Ахир бугунги кунда ишга кириш, уй-жой сотиб олиш каби муҳим масалаларда доимий рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди-ку. Шундай экан, чекловларнинг сақланиб туриши қандай аҳамият касб этади?

Гап шундаки, чекловларни тўлиқ бекор қилиш пойтахт аҳолиси сонининг қай бир даражада ошиш эҳтимолини вужудга келтиради. Бу вазиятда ўз-ўзидан қўшимча аҳоли эвазига янги ижтимоий масалалар пайдо бўлади. Бунга эса ижтимоий соҳа субъектлари тайёр бўлиши керак. Айтайлик, мактаб, боғча, шифохона каби муассасалар қўшимча аҳолини қамраб олиш қувватига эгами? Бу масалани сўзсиз ҳал қилиш талаб этилади.

Шу маънода мазкур қонун фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилишнинг биринчи босқич чоратadbирларини қамраб олган. Бу ҳуқуқий соҳада амалга оширилажақ ўзгаришлар натижасида бориб-бориб халқимиз ҳаётидан «прописка» масаласи ҳеч қандай ўрин эгалламай қўйишини англа-тади. Энг муҳими, қонунчиликдаги мазкур ўзгаришлар орқали бу борада дастлабки улкан қадам қўйилди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...



«Прописка» тизимининг тарихи собиқ СССР даврига бориб тақалади. Иккинчи жаҳон уруши вақтида иттифоқда «прописка» тизими орқали чекловлар кучайтирилган шаҳарлар сони 48 тага етади. Бу кўрсаткич 1956 йилда 77 тани ташкил этади. Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам аҳоли бир жойдан иккинчи жойга кўчишини чекловчи «прописка» тизими жорий этилади. СССР Конституциявий Қўмитаси томонидан ушбу тизимни 1992 йил 1 январдан бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Иттифоқ парчаланиб кетиши эса бу иш охирига етмай қолиб кетишига сабаб бўлади.

ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти яратилди. Сўнгра оиласи (турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни, агар хоҳласа, ота-онаси, бобо-бувиси ва набираларини ҳам доимий рўйхатга ўтказиши мумкин бўлди. Шунингдек, эр-хо-

В Ислам бирдамлик ўйинлари номаълум муддатга қолдирилди.



Бугунги кун деҳқони нафақат ер илмини, балки бозорнинг талаб ва таклифини ҳам пухта ўрганиб иш тутиши зарур. Сир эмас, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳаллий бозорда ҳар доим ҳам муносиб баҳоланмайди. Буни пишиқчилик бошлангач, деҳқон етиштирган маҳсулот нархи кескин тушиб кетишида ҳам кўриш мумкин. Масалан, айни кунларда 1 кг. пиёзнинг нархи нари борса, минг сўм! Бу пиёз етиштирган деҳқон харажатларини ҳам қоплай олмайди, дегани. Демак, бугун том маънода ишбилармон бўлган ва етиштирган маҳсулоти учун хориждан харидор топа олган деҳқонларгина ютади. Ўз навбатида, мамлакатда хорижга маҳсулот чиқарадиган ишбилармонларга тўла имконият яратиб берилиши зарур. Дунёда глобал иқтисодий инқироз кузатилаётган бир пайтда деҳқонларимиз маҳсулотини хорижга олиб чиқа олаётими? Кейинги йилларда мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётгани ҳақидаги гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин?

ДАРВОҚЕ...

2019 йилда юртимизда етиштирилган 1,2 млрд. АҚШ доллари қийматидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари четга экспорт қилинган бўлса, пишиқчилик мавсуми энди бошланаётган ва дунё бўйлаб ҳамон коронавирус пандемияси давом этаётганига қарамай, тадбиркорларимиз йил бошдан буён 186 млн. доллар қийматидаги мева-сабзавотларни хорижга экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Деҳқоннинг косасини оқартирадиган ягона тизим бўлади

Яратилган имкониятларга асосли далил борми?

— Барқарор иқтисодиёт ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг муҳим омили, бу шубҳасиз, мамлакат экспорт салоҳиятининг изчил ошишига боғлиқ. — дейди **Давлат божхона кўмитаси ахборот хизмати бош инспектори Хусан Тангриев.** — Шу боис республикамизда экспортёр тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, қўлайликлар ва эркинликларни ўзида қамраган янги тартиблар жорий қилиняпти.

Масалан, товарлар учун экспорт божи бекор қилинди, божхона расмийлаштируви учун йигимлар қисқартирилди, экспортдан тушган валюта маблағларини давлатга мажбурий сотиш каби бюрократик тартибларга барҳам берилди.

Айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи юридик шахслар экспортни дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга оширишмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилаёттир. Маҳсулотлар нархини эркин белгилаш имкони эса деҳқонларга меҳнатига яраша ҳақ олишига замин яратади.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида божхона постларида экспортга чиқарилаётган товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига ўртача 53 дақиқа сарфлангани фикримизни исботлайди.

Деҳқон талаб ва таклифни ўрганияптими?

Деҳқон етиштирган маҳсулотини хорижда сотиш учун шунча имконият бор экан, юқорида таъкидлаганимиз каби пишиқчилик бошланиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи нега унда тушиб кетади? Масалан, айни кунларда карам, пиёз ва қўкатларнинг нархи деҳқоннинг меҳнатини оқламайди. Бу ҳолат маҳаллий бозорларимизнинг тўкинлиги билан изоҳланади ва бу қайсидир маънода тўғри. Аммо деҳқоннинг косаси қачон оқаради?

— Айни кунларда мамлакатимиз



етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инobatта олинб, ихтисослаштириладиган ер майдонларида босқичма-босқич юқори ҳосилли ва экспортбop қишлоқ хўжалиги экинлари «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида жойлаштирилади. Ушбу тажриба ҳозир мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида аҳоли томонидан томорқасида амалга оширилмоқда.

Бу тизимнинг қўлайлиги шундаки, маҳсулот бозорнинг талабидан келиб чиқиб, аниқ режа билан етиштирилади. Шунда деҳқон маҳсулот тайёр бўлгач, харидор изламайди. Аксинча уруғ қадашдан олдин унинг мижози аниқ бўлади.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда юртимиздан хорижга 9,2 млрд. АҚШ доллари қийматидаги товарлар сотилган бўлса, 2020 йилнинг январь-апрель ойларида 1,7 млрд. долларга тенг маҳсулотлар хорижга экспорт қилинган.

Бу рақамлар мамлакат иқтисодиётида экспорт ҳажми ортиб бораётганини билдиради. Аммо бу бор имкониятларимиздан тўла фойдалана олаётими, дегани эмас. Қачонки, ишбилармонлар фақат микрофон тutilганда эмас, маҳаллада, дўстлари, яқинлари даврасида ҳам етиштирган маҳсулотини хорижда сота олаётганини мамнуният билан баралла айта оلسа, соҳанинг имкониятидан тўла фойдалана олган бўлади.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

БИЛАСИЗМИ?

Импорт маҳсулотларининг хафсизлиги таъминланганми?

Пандемия шароитида импорт кўрсаткичлари ҳам маълум маънода ошди. Хўш, бу даврда хориждан олиб келинаётган озиқ-овқатлар хавфсизлиги қай даражада таъминланган?

Мутасаддиларнинг айтишича, бундай шароитда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан ҳамкорликда муҳим чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, божхона постларига автотранспорт воситаларининг кириш жойларида осма дезинфекция қилиш ускуналари ўрнатилган. Улар ёрдамида ҳар бир автотранспорт воситаси дезинфекция қилинган, божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилляпти. Ҳар қандай турдаги маҳсулот хавфсизлиги назорат қилинади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий маълумотлари очиқ бўлиши талаб қилинмоқда.

Карантин даврида касаллик юқиши хавфидан келиб чиқиб, Республика махсус комиссияси қарори билан вақтинчалик чора сифатида пенсия ва нафақа пуллари пластик карталарга ўтказилаётган эди.



ПЕНСИЯНИ НАҚД

пулда олиш қулайми ёки пластик картада?

Жорий йил 13 май куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз топшириғи билан айрим пенсионерларимизнинг эътирозлари ҳисобга олиниб, ушбу тартиб бекор қилинди. Бунга сабаб ижтимоий тармоқларда пластик карталарни етказиб беришдаги муаммолар, уларни олишда Халқ банки филиалларида узун навбатлар вужудга келгани ва пенсияларни тўлаш вақтларининг кечиккани, шунингдек, «Нито» карталари орқали тўловларни амалга оширишдаги қийинчиликлар ҳақидаги шикоятлардир.

Ушбу бундан кейин пенсия олиш тартиби қандай бўлади?

Ишловчи пенсионерга пенсия бериш тартибида ўзгариш бўлди

Йиллар давомида меҳнат қилган ҳар қандай киши пенсияга чиқиб, оила даврасида қариллик гаштини суришни ният қилади. Лекин, пенсияга чиққан бўлишига қарамадан тажрибаларини соҳадаги ёш кадрларга ўргатиб, уларга устоз сифатида корхона-ташкilotларда фаолият олиб бораётган пенсионерлар ҳам бор. Бугунги кунда ана шундай 160 минг нафардан ортиқ пенсионерлар ўзининг меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинганга қадар 28 мингдан ортиқ корхона ҳисобчилари ҳар ойда пенсионерларни ишга қабул қилганлиги ва бўшлатганлиги, пенсия миқдори ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни ҳамда пенсия тўловини амалга ошириш учун талабномаларни Пенсия жамғармасига тақдим этиш билан боғлиқ ортиқча вақт сарфи билан тўқнашар эди. Бундан ташқари, ишловчи пенсионерларга жо-

рий ой пенсия тўловлари ойлик билан бирга кейинги ойда тўланар эди. Эндиликда, жорий йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялари тўғридан-тўғри Пенсия жамғармаси орқали тўланиши йўлга қўйилди. Шунингдек, Халқ банкининг аввалги амал қилиб келинган пенсия тарқатиш тизими, яъни банк сайёр кассалари маҳаллий хокимият органлари томонидан тасдиқланган тўлов графиклари асосида ҳар ойнинг 4-санасидан 27-санасига қадар карантин талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда пенсия ва нафақа пуллари нақд шаклда нафақа олувчи ва пенсионерларнинг яшаш манзилларига етказиб берилади. Пенсияни пластикда ёки нақд пулда олишни пенсионернинг ўзи танлайди.

«Нито»ми ёки «Uzcard»?

— Бугунги кунгача пенсия олувчилар учун жами 1.228 000 (бир миллион икки юз йигирма саккиз минг) та карта чиқарилган, улардан фақат 391 000 таси, яъни 32 фоизи «Нито» карталарида. — **дейди Халқ банки бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан Аҳмедов.** — Май ойидан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида истиқомат қилувчи пенсия ва нафақа олувчиларга пенсия пуллари тўлиқ пластик карталар орқали тўлаб бериш йўлга қўйилди. Ушбу вазифани ўз вақтида амалга ошириш учун Халқ банкининг 5 мингдан зиёд ходимлари дам олиш кунларисиз, кучайтирилган тартибда меҳнат қилди. Қисқа муддатда жами 619 минг, яъни 377 мингдан ортиқ «Нито» ва 242 мингдан зиёд «Uzcard» пластик карталари очилиб, пенсия ва нафақа олувчиларга етказиб берилди. Аммо

7 ва 8 май кунлари ушбу карталар орқали тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар кузатилди. Бунга пул маблағларини пенсия карталарига ўтказиш операцияларининг шиддатли равишда ўсиши, шунингдек, банк кассалари ва банкоматлари орқали пул маблағларини нақдлаштириш хизматларига талабнинг юқорилиги сабаб бўлди. Буларнинг барчаси кескин ва қисқа муддатли носозликларга, яъни натижасиз банк операциялари сонининг ўсишига олиб келди. Аммо бу вазият банкоматлар ёки электрон тўлов тизимлари фаолиятига таъсир кўрсатмади. Айни дамда, процессинг маркази қувватларини кенгайтириш ва дастурий таъминотни яхшилаш бўйича узлуксиз иш олиб борилмоқда. «Нито» — нисбатан янги тизим, уни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Баъзи ҳудудларда «UzCard» пластик карталарини ёппасига «Нито»га алмаштириш бошлангани ҳақида ҳам хабарлар келди. Бу мутлақо нотўғри ечим. Шунингдек, чекка ҳудудларда «Нито» банкоматлари йўқлиги, ҳаттоки дўконларда терминаторлар етишмаслиги, борларидан ҳам 4-5 фоизгача устама ечиб олинаётгани пенсионерларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бундай шикоятлар кўпайгани сонос апрель ойидан барчага пенсия пластик карталарда берилиши татбиқ этилаётган бўлса, май ойидан яна Юртбошимиз топшириғига кўра нақд пуллари санитария-гигиена қондаларига риоя этилган ҳолда тарқатилиши бўйича топширик берилди. Шу боис пенсионернинг хоҳишига кўра, пенсияси нақд пулда ёки пластик картада берилади.

Шунингдек, бундан кейин пенсионерларнинг истағига кўра, 20 майдан бошлаб «Нито» пластик карталари тўлиқ «Uzcard» пластик карталарига ҳеч бир тўловларсиз

алмаштириб берилади. Бугунги кунда пенсия ва нафақаларини бошқа тижорат банкларининг пластик карталари орқали олиб турган жами 370 мингдан ортиқ фуқаронинг пенсиялари бўйича тўловлар, келгуси ойларида ҳам уларнинг (мавжуд) банк карталари орқали амалга оширилиши давом эттирилади.

Май ойининг пенсия ва нафақалари нега кечикди?

Май ойи учун Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақалар учун 1,4 трлн. сўм миқдоридagi маблағлар тўлиқ молиялаштириб берилган. Аммо бир вақтнинг ўзида 480 мингдан ортиқ пенсия ва нафақалар банк карталарига юкланиши Халқ банкининг электрон ахборот тизимида юқори даражада юклама келтирилишига сабаб бўлди. Яъни Пенсия жамғармаси томонидан ҳар бир пенсия ва нафақа олувчи тўғрисида юборилган файллар Халқ банки серверлари базасидаги фуқароларга очилган карта маълумотлари билан автоматик тарзда солиштирилиб, тасдиқлангандан сўнггина пенсия ва нафақа маблағлари тегишли банк карталарига ўтказилди. Шу боис карталарга пул ўтказилишида бир муддат узилишлар содир бўлди.

Пенсия ва нафақа олувчи барча фуқароларга банк карталари фуқароларнинг яшаш манзилларига Халқ банкининг сайёр кассалари томонидан олдинги пенсия тарқатиш графиги бўйича етказиб берилади. Муҳими шуки, банк карталари ҳар бир пенсионер ва нафақа олувчининг хонадонига етказиб берилиши таъминланади.

Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда «Mahalla» мухбири Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

ДХХ қарийб 65 килограмм гиёҳванд моддани мусодара қилди.

КЎМАК

Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига мурожаат этиб, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ташаббуси билан чиқди.



КОРЕЯДАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Мазкур ташаббус доирасида COVID-19 пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувват-

лаш мақсадида Андижон (850 дона) ва Самарқанд вилоятлари (850 дона) ҳамда Тошкент шаҳри (500 дона) ҳомийлик хайрияларини му-

вофиқлаштириш марказига таркибида 9 хил бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган жами 2200 дона кўмак қўтилари топширилди.

БУНЁДКОРЛИК

12 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ ЭВАЗИГА ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛАДИ



Жиззах шаҳри Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда замонавий кўринишдаги 750 та хонадондан иборат 14 та кўп қаватли уй тез орада фойдаланишга топширилади.

Янги уйлар аҳолисига муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш лозим. Биринчи галда мактаб қуриш ва у замон талабларига жавоб бериши муҳим. Шу боис ҳудудда 12 миллиард сўм маблағ ҳисобига янги 650 ўринга мўлжалланган таълим муассасаси қуриладиган бўлди. Янги мактаб 2020 йил 1 сентябрда очилиши мўлжалланмоқда.

БАНДЛИК

ПИЛЛА — ДАРОМАД МАНБАИ

Бухоро вилоятининг Вобкент тумани пиллакорлари 201 тонна ипак тола етиштириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Аҳамиятlisi, мавсумга маҳаллалардаги ишсиз ва даромадсиз, кам таъминланган оилалар ҳам жалб қилиниб, туманда етмишдан ортиқ ана шундай оилавий жамоалар ташкил этилди. Муҳими, уларнинг меҳнатларига яраша ҳақ олишлари учун қулай имконият яратилди.

Жорий мавсумда «Ғарибшоҳ» маҳалласида яшовчи Шоҳида Оқилова оиласи билан 40 грамм, яъни 2 қўти ипак қурти парвариш-лаб, яхшигина фойда кўрди. У 120 килограмм ўрнига 150 килограммдан ошириб қумуш тола топшириб, даромад чўғини кўпайтирди.



ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРЛАРИ БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳар Миллий гвардия ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, шаҳар ИИББ ҳамкорлигида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, оила-турмуш доирасидаги муносабатлар юзасидан ҳар бир оилага кирилмоқда. Муаммолар, оилавий низоларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, пойтахтнинг барча туманларида Миллий гвардия аёл ҳарбий хизматчилари иштирокида хотин-қизлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Ўзaro ҳамкорликда зўравонлик ва тазйиққа учраган 52 нафар аёлга ҳимоя ордерлари тақдим этилди.




Бундан ташқари, Миллий гвардия аёл ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда 223 та оила ўрганилиб, 173 нафар профилактик ҳисобда турувчи аёлга тушунтиришлар берилди.

ҚУЛАЙЛИК

ТАБИИЙ ГАЗДАН ҚАРЗДОРЛИКЛАР ОЛДИ ОЛИНАДИ

Андижон шаҳрининг «Ёйилма» маҳалласидаги кўп қаватли уйларга, «Мустақилликнинг 20 йиллиги» маҳалласидаги хонадонларга табиий газ таъминотини бошқаришнинг автоматлаштирилган ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилмоқда. Ҳар бир кўп қаватли уйнинг бир соат давомидаги газ сарфи ҳажми ва хонадонлардаги газ жиҳозларининг сони ҳисобга олиниб, замонавий газ ҳисоблаш ускуналарининг турли модификацияларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Қатор қулайлик ва афзалликлари билан янги ҳисоблагичлар истеъмолчиларга манзур бўлди. Инсон омилни қисқартиришда кўл келувчи ушбу ҳисоблагичлар сим-карта ўрнатилган ҳолда фойдаланишга топширилади. Сим-карта ишлатилган табиий газ ҳажми ҳақидаги маълумотларни онлайн режимда марказий серверга узатади. Шу орқали маълумот биллинг тизимида автома-тик равишда тушади. Бу,

ўз навбатида, истеъмолчиларда тўлов маданиятини ошириб, шаффофликни ҳам таъминлайди.

Ҳисоблагичларнинг яна бир қулайлиги шундаки, ишлатилган табиий газ учун қарздорлик пайдо бўлишига яқин қолганда пул тўлаш лозимлиги тўғрисида истеъмолчининг мобил телефонида автоматик тарзда хабар юборди ва ҳисоблагичда қарз юзага келиши билан истеъмолчи-га газ бериш тўхтатилади.

ТАНЛОВ

САРДОБАДА «НАМУНАЛИ ОИЛА» ТАНЛОВИ

15 май — Халқаро оила куни муносабати билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан Сирдарё вилоятининг Сардоба ва Оқолтин туманларида табиий офатдан жабр кўрган оилаларни маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамол этиб тарбиялаш мақсадида «Намунали оила» танлови ўтказилди.



Танловда она ва 12 ёшга бўлган икки нафар фарзанддан иборат оилавий жамоалар 5 та йўналиш бўйича ўзаро баҳслашишди. Якунда иштирокчи оилалар 15 та номинация бўйича танлаб олинди.

Барча қатнашчи ҳамда ғолиб оилалар вазирлик ва ҳомийлар томонидан совғалар билан тақдирланди. Танлов доирасида ўтказилган мусобақа, викторина ва тадбирлар ҳаммада илиқ таассурот қолдирди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.



«Энг яхши оилавий видеоролик» танлови ғолиблари тақдирланди.

АҲОЛИ УЗЛУКСИЗ ЭНЕРГИЯ БИЛАН ҚАЧОН ТАЪМИНЛАНАДИ?



ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАР БИР БИНО ВА ИНШООТДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ МАЖБУРИЙ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ЮЗАСИДАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ ИШЛАБ ЧИҚИШИ ҲАМДА 2020 ЙИЛНИНГ II ЯРМИДАН БОШЛАБ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛМАГАН БАРЧА ТУРДАГИ ЯНГИ БИНО ВА ИНШООТЛАР ЭКСПЛУАТАЦИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШНИ ТАҚИҚЛАШ КЕРАК.

Маҳалламизга тортилган электр тармоғи таъмирталаб ҳолга келиб қолгани боис кучлироқ шамол турса, электр токида узилиш кузатилади. Айниқса, бу йилги баҳорнинг ноқулай келиши жойларда худди шундай кўплаб муаммолар борлигини кўрсатиб қўйди. Тўғри, бундай ноқулайликлар тезкорлик билан бартараф этилмоқда. Аммо қачонгача аллақачон хизматини ўтаб бўлган электр тармоқларидан фойдаланамиз? Ахир, айнан шу сабаб қишнинг қорли-қировли кунларида энергия таъминотида узилишлар бўлмаётими?

Ваҳоланки, ишлаб чиқарилаётган табиий газ ва кўмирнинг каттагина қисми электр энергияси учун сарфланади. Дунё мамлакатлари эса аллақачон шамол ва қуёшдан беминнат энергия олишга ўтиб кетишган. Ҳуш, биз қачон ана шундай табиий ресурслардан оқилона фойдаланамиз? Бунинг учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Департамент бош мутахассиси Дилшод ЮСУПАЛИЕВга юзландик.

— Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланади, — дейди Д.Юсупалиев. — Бу жараёнда исрофгарчилик ҳам кўп. Масалан, 1 квадрат метр майдонни иситиш учун юртимизда ўртача 400 киловатт-соат, иқлим шароити бизга яқин ривожланган давлатларда эса 170 киловатт-соат энергия ишлатилади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари — ҳали тўла фойдаланилмаётган улкан резервлардан бири. Албатта, бу йўналиш бошида катта харажат талаб қилади. Лекин бу келажақда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истеъмолчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди. Мисол учун, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газни тежаса бўлади.

Арзон уйлар қуёш фотоэлектрик станциялари билан қурилади

Айни пайтда арзон уй-жойларни қайта тикланувчи энергия манбалари, яъни замонавий қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, замонавий изоляция материалларни кенг қўллаш-

ни назарда тутувчи янги «термос» лойиҳалар асосида қуриш йўлга қўйилган. Жумладан, 2019 йилда 800 та ана шундай уйда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилди. 2020 йилда қурилиши мўлжалланаётган 12 мингта уй-жойнинг барчасида бу тажриба амалга оширилади. Бу билан йилига ўртача 40 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежашга эришиш мўлжалланган.

Республикамизда қарийб 6,6 миллион аҳоли истеъмолчилари учун йилига ўртача 14 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шундан 5 миллион хусусий (ерли) уй-жойлар учун 9,6 миллиард киловатт-соат энергия кетади. Ҳозирда бундай тураржойларнинг ҳар бирида ўртача 2 киловатт қувватли қуёш фотоэлектрик станцияларни ўрнатиш имконияти мавжуд. Бу билан қўшимча 10 минг МВт. қувват, йиллик 16,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш ва электр станцияларида йилига 5 миллиард м³ табиий газ иқтисод қилишга эришиш мумкин.

Яна бир жиҳат: республика бўйича кам таъминланган ва ижтимоий Ҳимояга муҳтож фуқаролар рўйхатга олинган. Ушбу рўйхат бўйича хонадонларда қуёш фотоэлектрик станциялари ва сув иситкичлари ўрнатилиши эвази-

га дастлабки босқичда йилига 1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлади.

Айни пайтда 90 фоиз электр энергияси табиий газ ёқиб ҳисобига ишлаб чиқарилаётганини ҳисобга олсак, фақатгина кам таъминланган оилалар ва янги қуриладиган хусусий (ерли) уй-жойлар ҳисобига йилига 346 миллион м³ табиий газни ички бозорга етказиб бериш камаюди. Бу мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга, аҳолини арзон ва мунтазам электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Лойиҳани амалга ошириш учун нима қилиш керак?

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун қатор ўзгаришларга ҳукумат томонидан замин яратилиши зарур. Жумладан, Қурилиш вазирлиги ҳар бир бино ва иншоотда қайта тикланувчи энергия манбалари мажбурий жорий этилиши юзасидан метёрий ҳужжат ишлаб чиқиши ҳамда 2020 йилнинг II ярмидан бошлаб қайта тикланувчи энергия манбалари жорий этилмаган барча турдаги янги бино ва иншоотлар эксплуатацияга қабул қилинишини тақиқлаш керак.

Ўз навбатида, Молия, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари аҳоли уй-жойларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш мақсадида халқаро молия институтларининг беғараз маблағларини жалб этилишини таъминлаши зарур. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси эса қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириши шарт.

Агар ҳукумат томонидан ушбу ташкилотларга юқорида қайд этилган топшириқлар берилса ва унинг ижроси жиҳдий назоратга олинса, қисқа муддатда аҳолини узлуksиз энергия билан таъминлаш имконияти кенгайди. Мухими, олис худудларда истиқомат қиладиган, биринчи навбатда, ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончи ортади.

«Mahalla» мухбири
Боборовқан ҒОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ 2019 ЙИЛ 22 АВГУСТДАГИ «ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ



Тошкентда қатор автобус йўналишлари қисқартирилади.



Етим болалар учун ажратилган уйлар нега сотиб юборилди?

Уйлар нега ўз эгаларига берилмаган?

— Таъкидлаш керак, айти пайтда битирувчиларнинг 125 нафари таълим муассасалари ётоқхонасида, 142 нафари танишлариникида, 45 нафари ижарада ва 16 нафари муассасаларнинг ўзида вақтинча истиқомат қилаётган бўлса, 53 нафари аниқ муқим яшаш жойига эга эмас, — дейди Бош прокуратура ахборот хизмати раҳбари Ҳаёт Шамситдинов. — Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг туман-шаҳар ҳокимликларида ушбу масалага

эътиборсизлик билан ёндашилгани сабабли бу тоифадаги болалар учун Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмаган. Уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, 2011-2019 йилларда шундан 243 нафари ишлаш ёки бошқа мақсадларда хорижга чиқиб кетган.

Энг ачинарлиси, айти ҳолатлар, ўз навбатида, тарбияланувчилар томонидан қонунбузарликлар содир этилишига шароит яратиб, сўнгги тўққиз йил давомида тарбияланувчиларнинг 90 нафари турли жиноятларга қўл урган ва 201 та маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган.

Ҳўш, юқоридаги ҳолатларни қандай изоҳлаш мумкин? Бунга қайси омиллар сабаб бўлмоқда? Ҳокимликлар балансида ажратилган уйлар бўлсаю, нега улар ўз эгаларига берилмаган? Айти масалада ҳокимликлар олдида қандай муаммолар бор?

Ажратилган тураржойларнинг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди

Маълумки, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида уй-жой ажратилади.

Унга кўра, бундай

тоифадаги болалар учун тураржойлар ҳокимликлар томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп қаватли уйлардаги бўш турган квартиралардан ажратиш белгиланган.

Бўш турган тураржой бўлмаганда, уй-жой билан таъминлаш мақсади трансферт, жумладан, бюджет маблағлари ажратиш ҳисобидан амалга оширилади. Бирок ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳокимликлар томонидан етим болаларга уй-жой сотиб олиш учун мақсадли трансферт ажратиш масаласига сузгачлик билан ёндашилиб, 2011-2019 йилларда атиги 14 та ҳолатда трансферт маблағлари ажратилган.

— Ҳукумат қарори билан бундай тоифадаги болаларни тураржойлар билан таъминлаш тартиби белгилаб берилган бўлса-да, жойларда бу борадаги аҳвол қониқарли эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ҳўжаева. — Буни юқоридаги статистика ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, айнан бу муаммо юзасидан бизга ҳам мурожаатлар бўлиб турибди. Демак, бу масалага жиддийроқ ёндашиш, ҳокимларнинг масъулиятини ошириш, керак бўлса, амалдаги қонун ҳужжатларига етим болаларни тураржой билан таъминлашга бармоқ орасидан қараган, мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳокимларни жавобгарликка тортиш бўйича нормалар киритиш керак.

Яна бир масала — ажратилган тураржойларнинг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди. Айниқса, баъзи ҳудудларда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, ичкиликка берилган, ноқобил

Бош прокуратура ахборот хизматининг маълумотига кўра, прокуратура органлари томонидан Меҳрибонлик уйлари ва «Болалар шаҳарчалари» битирувчиларининг уй-жой ҳамда иш билан таъминланиш даражаси ўрганилганда, айти йўналишдаги муаммолар тўлақонли ҳал этилмагани оидинлашди.

Жумладан, 2011-2019 йилларда ушбу муассасаларни тамомлаган тарбияланувчилардан 381 нафари тураржойга муҳтож бўлиб, ҳокимликлар томонидан уларнинг 200 нафари бўш уйлар мавжуд эмаслиги, 6 нафари ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмагани, 175 нафари бошқа турли вақтлар билан ҳозирда тураржой билан таъминланмаган. Тегишли назорат ўрнатилмагани оқибатида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ажратилган уйлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилган, хусусан, уйларнинг 66 таси бўш турибди, 18 тасида бошқа шахслар яшаяпти, 2 таси эса сотиб юборилган.

шахслар жойлаштирилган ётоқхоналардан битирувчиларга жой ажратилган. Бу ҳол эса, ўз навбатида, уларнинг тарбиясига, ижтимоий мослашувига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор...

Шу ўринда танганинг иккинчи томонига назар ташласак. Ҳўш, ҳокимликлар олдида қандай муаммолар бор? Ҳамма айб фақат ҳокимлардами?

Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айти пайтда туман (шаҳар) раҳбарларининг бундай тоифадаги болаларни маҳаллий бюджетдан уй билан таъминлаш жуда қийин масала. Чунки ҳудудлардаги катта қорхоналар тўлайдиган солиқ республика бюджетига ўтиб кетган, табиийки, ҳокимликлар олдида ижтимоий ҳимоя учун зарур маблағларни топиш вазифаси турибди. Маҳаллий бюджетдан бу харажатларни амалга ошириб бўлмайди. Натижада етим болалар вақтинча яшаб туришлари учун ётоқхона ёки бошқа жойларга жойлаштириб қўйилади. Бу эса муаммога ечим бўла олмайди.

Шу боис бундай болаларни уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида ҳокимликлар тураржой учун маблағни қаердан олиши, яъни молиявий манбаларини ҳам аниқ кўрсатиб қўйиши керак. Кўриниб турибдики, демак, айти масалада маҳаллий бюджетга алоҳида банд киритиш, уларни Давлат дастурлари асосида манзилли равишда уй-жой билан таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

✓ уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз вақтида тураржой билан таъминлашда ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган;

✓ бу тоифадаги болаларга ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартирالي уйлардан квартира сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилади. Ипотека кредитининг дастлабки бадала Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.



ТАЪЛИМДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАРГА инсон омили бош сабабчи бўляптими?



Сир эмас, таълим соҳасига Давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Аммо кўпроқ маблағ ажратилапти, дегани, ундан самарасиз фойдаланиш, ноқонуний ўзлаштириш мумкин, дегани эмас. Чунки соҳада коррупция кучли бўлса, ҳар қанча эътибор самарасиз кетади. Афсуски, таълим тизимимиз бу иллатлардан холи эмас.

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида Бош прокурорнинг 2019 йил якунларига бағишланган ҳисоботи тингланди. Унда ўтган йили таълим тизимидаги қонунбузарликлар 2018 йилга қараганда 2,5 бараварга ошгани қайд этилди. 2019 йилда таълим соҳасида текширилган вазирлик ва идораларнинг 93 фоизда 16,7 миллиард сўмлик молиявий қонунбузарликлар аниқланган.

— Таълим тизимида давлат бюджетидан энг кўп маблағ ажратиладиган асосий ижтимоий соҳалардан бири ҳисобланади. — дейди **Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари Ҳаёт Шамситдинов** — Шу боис бу соҳада бошқа тармоқларга қараганда кўпроқ қонунбузарликлар содир этилади. Давлат маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилиши ҳолатлари ишчи ходимларнинг ойлик маошларини ҳисоблаш, мактабгача таълим таъкилотларида озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мактаб ва олий таълим тизимида эса таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини олиб бориш жараёнларида кўпроқ кузатилади.

Мисол учун, ўтган йили Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 25-мактабгача таълим муассасасида 180,4 млн. сўмлик озик-овқат маҳсулотлари ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилингани аниқланди. Яна бир шундай ҳолат Самарқанд вилоятида содир бўлди. Қўшработ тумани халқ таълими бўлими мансабдор шахслари танлов комиссияси йиғилишини ўтказмасдан, «Қ.Н.Қ» МЧЖнинг таклифи маъқуллангани ҳақида сохта маълумотнома тузиб, тумандаги 45-, 56- ва 61-умумтаълим мактабларида ҳақиқатда бажарилмаган таъмирлаш ишларининг бажарилгани ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, 160 млн. сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилган.

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Қинғир ишнинг қийиғи, албатта, ошкор бўлади. Аммо, энг асосийси, жиноят содир этилганини аниқлаш ва айбдорларни жазога тортиш эмас, унинг олдини олишдир.

Инсон омили — энг оғриқли масала

Айни шу вазиятта изох берар экан, Халқ таълими вазирлиги соҳадаги коррупция ва қонунбузарликларнинг бош сабаби — соҳада инсон омилнинг кучли эканини кўрсатади. Молиявий масалаларнинг фақатгина инсон омилига боғлиқлиги қолиниши, албатта, соҳада қинғир ишларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

— Бугунги оғир иқтисодий шароитда ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг самарали ишлатилиши жуда муҳим, — дейди **Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов**. — Энг катта соҳалардан бири бўлган таълим, афсуски, маблағларнинг жойларда тўғри тасарруф этилиши бўйича инсон омилига ҳалигача жуда катта боғлиқлик кузатиляпти. Ҳисоб палатаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамкорлигида соҳада 2018-2019 йилларда бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда 2020 йилги харажатларни мақбуллаштириш имкониятларини аниқлаш бўйича ўтказилган ўрганишлар анчагина муаммоларни кўрсатиб берди.

Тахлиллар натижасида жами 192,3 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Ушбу кўрсаткич 2018-2019 йилларда Давлат бюджетидан тизимга ажратилган жами 30 562,1 миллиард сўм маблағларга нисбатан 0,63 фоизни ташкил этади. Аниқланган молиявий хато ва камчиликларнинг 52,5 миллиард сўми иш ҳақидан ўғир-

лик, ноқонуний ўзлаштириш ва ортиқча тўловларга тўғри келган. Бугунгача уларнинг 6,7 миллиард сўми ундирилди ҳамда 23,7 миллиард сўми бартараф этилди.

Кучли жамоатчилик назорати керак

— Таълим тизимидаги муаммолар, хусусан, қонунбузарлик, масъулиятсизлик каби иллатларни бартараф этмасдан туриб, соҳани ривожлантириб бўлмайди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулшана Худоерова**. — Бунинг учун, аввало, тизимга рақамли иқтисодиётни жорий этиш, айниқса, молиявий масалаларда инсон омилини камайитириш зарур. Ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини замонавий АКТ дастурларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиб туриш керак.

Масалан, халқ таълими тизимига Молия вазирлигининг «UzASBO» дастурий мажмуасини татбиқ этиш ҳамда уларни тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш режалаштирилмоқда. Бу, албатта, тармоқдаги юқоридагидек қонунбузарликлар содир этилишининг камайишига, фаолиятда шаффофлик таъминланишига хизмат қилади.

— Шунингдек, соҳа фаолиятини назорат қилишда кучли жамоатчилик назоратини олиб бориш талаб этилади, — сўзида **давом этади Г.Худоерова**. — Чунки халқ манфаатларини биз каби халқ вакиллари орқали ёки ўзларининг мурожаатлари билан, аввало, халқнинг ўзи ҳимоя қилиши зарур. Бунинг учун эса вазирлик аҳоли билан икки томонлама алоқани янада кучайтириши, «Ишонч телефонлари», ижтимоий тармоқлар ва бошқа воситалар ёрдамида тез ва осон мулоқотта кирилиши имконини яратилиши лозим. Зеро, давлат ва жамият эртаси маса-

БУ — ҚИЗИҚ...

➔ Мутахассислар фикрига кўра, дунёнинг энг яхши таълим тизими Финляндия ҳисобланади.

➔ Мамлакатда нуфузли ёки оддий мактаб тушунчаси йўқ. Ҳамма мактаб давлатга тегишли бўлиб, улар бир хил молиялаштирилади ва бир хил имкониятларга эга.

ласида барча бирдек масъул ва жавобгардир.

Маълумотларга кўра, Стелленбосс университети(ЖАР)нинг кираверишига: «Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узок радиусга таъсир қиладиган ракеталарга ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса бас... Таълимнинг барбод бўлиши — миллатнинг касодга учрашидир!», дея ёзилган экан.

Чиндан ҳам, давлат ва жамият, миллатнинг эртаси қандай бўлишини мамлакатдаги таълим тизимининг юқори даражадаги сифати белгилаб беради. Шу боис соҳада қозғозбозлик, коррупция каби иллатларнинг урчишига йўл қўймайлик, аксинча шаффофликни таъминлаш орқали унинг сифатини ошириш ҳукуматимиз ва халқимизнинг бирламчи вазифаси бўлиши керак.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Депутатлар янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунни маъқуллашди.

Ҳаёт тарзимиз карантин туфайли бутунлай ўзгариб кетди, аммо фуқароларга манфаат келтириши зарур бўлган, инсон ҳуқуқларини таъминловчи тизимлар фаолияти тўхтатилгани йўқ. Онлайн хизмат кўрсатиш, суд мажлисларини онлайн ташкил этиш давом этмокда. Зарур ҳолларда эса судьялар жазони ижро этиш муассасаларига бориб, маҳкумларни жазодан озод этиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқмокда.

Маълумки, Олий суд раёсатининг жорий йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси судларида COVID-19 коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, судларда фуқароларнинг шахсий қабулини тўхтатиб туриш, ҳужжатларни фақат электрон шаклда ёки почта орқали юбориш тавсия этилган.

Шу билан бирга, қарорда судлар томонидан фақат кечиктириб бўлмайдиган тоифадаги, яъни қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, маъмурий қамоққа олиш, уни ғайрихитийёрли тартибда психиатрия стационари ва сил касаллигига қарши курашиш шифохонасига ётқизиш, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш каби ишларни кўриб чиқиш мумкинлиги белгиланган.

Яна бир жиҳат — эпидемиологик вазият жорий этилганга қадар қонуний кучга кирмаган, шунингдек, бу даврда чиқарилган ва карантин жорий этилиши муносабати билан апелляция тартибда шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) суд қарорлари карантин амал қилиши бекор қилингандан сўнг ижрога қаратилади.

Жараён ҳудуд рангига қараб ўтказилади

— Карантин чекловлари босқичма-босқич бекор қилиниши муносабати билан судлар фаолияти ҳам тикланмокда, — дейди Олий суд судьяси Абдувоҳид Қосимов. — Жумладан, «қизил» ва «сарик» тоифага кирувчи ҳудудлардаги судларда фуқароларнинг шахсий қабули тўхтатиб турилади. Ўз навбатида, «яшил» тоифага кирувчи ҳудудлардаги судларда эса фуқаролар қабулига руҳсат берилади. Шунингдек, «яшил» ва «сарик» тоифага кирувчи ҳудуд судлари барча тоифадаги ишларни белгиланган тартибда кўриб чиқиши мумкин.

«Қизил» тоифага кирувчи ҳудудларда ҳам суд ишлари тўхтаб қолмайди. Жумладан, кечиктириб бўлмайдиган тоифадаги ишлардан ташқари, барча қонунбузарлик ҳолатларини карантин қондаларига мувофиқ, сайёр суд мажлиси шаклида муҳокама қилиш мумкин. Ҳақ-

СУДЛАР фаолияти онлайн тарзда олиб борилаяптими?



ли савол туғилади: қайси тоифадаги ишлар вақтинча кўрилмайди?

— Шарт-шароитга биноан, айрим тоифадаги ишлар вақтинча тўхтаб турилади, — дейди А.Қосимов. — Хусусан, уй-жойдан кўчириш ёки кўчиб бориш, меросга оид, никоҳни бекор қилиш, кредит қарздорликни ундириш, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган ерга ўзбошимчалик билан қурилган бинони бузишга оид даъво аризалари номалум муддатгача кўриб чиқилмайди. Суд амалиётида турли масалалар кўриб чиқилар экан, бунга тегишли кодекс бўйича жавоб изланади.

Маҳкумларни озодликдан чиқариш тўхтатилгани йўқ

Ҳеч кимга осон эмаски, ўзининг озод бўлишини йиллар мобайнида кутган маҳкумлар ҳам эмин-эркин яшаш ҳуқуқига эга. Жумладан, яқинда Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясидан бир гуруҳ маҳкумлар озодликка чиқарилди.

Суд жараёнида 21-жазони ижро этиш муассасаси раҳбариятининг тақдимномалари кўриб чиқилди. Маҳкумлар ўзларига тегишли хулоса чиқаргани, айбини англаб етгани, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдириб, оиласи бағрига қайтишга имкон беришни сўрашди. Суд томонидан уларга нисбатан инсонпарварлик тамойили қўлланилиб, жазодан озод этилди.

Айтиб ўтиш керакки, улар шунчаки озод этилмади, балки келгусида ҳаётда тўғри йўлга тушиб олиши, жамиятда ўз ўринларини топиши учун тегишли хизматлар, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига масъулият ҳам юкланди.

Аҳоли норози бўлмаслиги керак

Суд-ҳуқуқ тизимида иши кўриб чиқилиб, хулоса тақдим этилишини кутаётган юртдошларимиз барча вилоятларда топилади. Жумладан, янги тартиб Сурхондарё вилояти фуқаролик судлари раҳбарияти диққат-эътиборида турибди.

— Жорий йилнинг 16 мартдан 18 май кунига қадар вилоятимизда фуқаролик ишлари бўйича 15 та туманлараро ва туман судлари томонидан карантин қондаларига қатъий риоя қилинган ҳолда биринчи инстанцияда жами 1 минг 761 та иш кўриб чиқилди, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Баҳодир Жумаев — 905 та суд буйруғи тартибдаги ариза ҳамда апелляция ва кассация инстанцияларида жами 51 та шикоят, протест бўйича хулоса ясалди. Фуқароларнинг узоқ масофадан қатнови муаммо бўлаётгани боис аксарият ишлар тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари биносидан муҳокама қилиняпти.

Карантин жараёни қачон тугаши ҳеч биримизга маълум эмас. Турли даражадаги суд ишларини кўриб чиқиш орқага сурилса, аҳоли ўртасида норозиликлар келиб чиқиши табиий. Қолаверса, муайян иш ҳужжатларининг кўпайиб кетиши суд ходимларига бир олам ташвиш туғдиради. Демак, Олий суд раёсати томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқиш бўйича ўрнатилган янги тартиб бундай муаммоларга чек қўяди.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Карантинда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланиладими?



— Ҳозирда отам эҳтиёт чораси сифатида хибсда ушлаб турилибди, суд ишлари карантин туфайли тўхтатилган дейишмоқда. Агар карантин муддати яна сурилса, отамни хибсда ушлаб туриш давом этаверадими?

Нодирбек ЖОВЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти.



Шоҳруҳ ГИЁСОВА,
Ички ишлар вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари:

— Қонун ҳужжатларида жиноят ишларини карантин ва инсон учун хавfli бўлган бошқа оқумли касалликлари тарқалиши муносабати билан тўхтатиш назарда тутилмаган. Дастлабки тергов ёки суриштирув тугатилганидан сўнг жиноят иши тегишли тартибда суд органларига юборилади. Суд органлари томонидан шахсга жазо муддатини тайинлашда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган даври, албатта, ҳисобга киритилади.

Эслатиш керак, қамоқда сақлаб туришнинг муддати кўпи билан уч ойни ташкил қилади. Мазкур муддатни тегишли тартибда беш ой ва етти ойгача узайтириш мумкин.



Давлат иштирокидаги барча банклар фаолияти трансформация қилинади.



ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

Иклимга оид маълумотларга кўра, одатда май ойида ёгингарчилик миқдори март ва апрель ойларига нисбатан камаяди. Бу йил эса ёгингарчилик кунда-кунора бўлдики, бу нафақат аграр соҳага, балки аҳоли яшаш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

ДЕҲҚОН УЧУН ЖИДДИЙ СИНОВГА АЙЛАНДИ

«Ўзгидромет» маркази етакчи муҳандиси Раушан Амиркулованинг айтишича, ёгин миқдори 15 мм дан ошди, бу кучли жала, момақалдироқ, шиддатли шамол ва дўлга айланиб кетади. Сўнгги бор 2010-2016 йилларда айнан май ойидаги ёгингарчилик миқдори меъеридан анча юқори, яъни 20-30 мм бўлган. Бу йил ҳам кўрсаткич меъеридан 1,5-3 баробар юқори бўлди. Бунга эса жанубий циклонларнинг оқиб кириши сабаб бўлмоқда.

Об-ҳаво ўзгарувчанлиги жиддий синовга айланди

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан берилган маълумотларга кўра, бу йил республикамиз бўйича 1 миллион 33 минг 306 гектар майдонга чигит қадалди. Шунингдек, бошоқли дон ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда. Дала-деҳқончилик ишлари, асосан, фермер хўжалиги ва кластер шаклида ташкил этилган. Баҳор фаслининг салкин ва серёгин келиши иссиқсевар ўсимлик ҳисобланган пахтачиликда муайян муаммоларни келтириб чиқарди.

Бундай пайтларда деҳқонлар ва

фермерларимиз гўза парваришида ҳар йилгидан ҳам кўпроқ масъулият билан илмий асосланган тавсиялар ва кўп йиллик тажрибаларга таянган ҳолда иш кўришлари керак.

— Дарҳақиқат, гўза иссиқсевар ўсимлик, у ҳаддан зиёд намгарчиликни хушламайди. — дейди Тошкент давлат аграр университети «Ўсимликшунослик» кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Шухрат Абдуалимов. — Жорий йилда об-ҳаво ўзгарувчанлиги кузатилиб, чигит экиш ва уни парвариш қилиш жиддий синовга айланди. Вазиятни енгиллатишнинг илмий-назарий асослари яратилган. Илмий излаНИШларда гўза вегетацияси даврида стимулятор билан ишлов бериш ўсимликни яхши ўстириш, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилигини ошириш, тупроқдаги минерал ўғит захираларидан самарали фойдаланишга олиб келиши ҳамда ҳосилдорлик 10-20 фоизга ортиб, пахта толаси ва чигит сифати яхшиланиши аниқланган.

Олимлар гўзага стимулятор ва минерал ўғитлар суспензияси би-

лан ишлов беришни 2-4 чин барг давридан то гуллаш давригача 2-3 марта амалга оширишни тавсия этишади. Бунда турли макро ва микроэлементларга эга стимуляторлар 250-300 л сувга аралаштирилиб, ишчи эритма ҳолида ўсимликка сепилса, гўза шоналаш давридан гуллаш вақтигача баравж ўсиб, унинг намгарчилигига нисбатан чидамлилиги ошади.

— Табиийки, тупроқда сув миқдори ошиб кетса, бу пахта зараркунандалари учун ҳам қулай муҳит ҳисобланади, — дейди Шухрат Абдуалимов. — Ҳашаротнинг экин ривожига салбий таъсирини қирқиш учун то гўза шоналагунча турли кимёвий препаратлардан фойдаланиш керак. Эгатда ҳашарот бор-йўқлигини аниқлаш учун феромон тутқичи қўлланилади. Гўза қатор ораларида ўсаётган бегона ўтлар экин ривожига яна бир тўсиқ бўлиб, буни чопиқ орқали гербицид қўллаб йўқотиш мумкин. Агар ана шу агротехник чора-тадбирлар кетма-кетликда ва батартиб амалга оширилса, ёгингарчилик туфайли экинга етказиладиган зарар кескин камайиб, деҳқон мўл-қўл ҳосил кўтаради.

да тугатдик, — дейди ташкилот раҳбари Рустам Хусанов. — Табиат инжиқликларини кўп кўрганмиз. Унинг бизга ён босишини кутиб ўтирсак, дала-деҳқончилик ишларида кўп нарсани бой берамиз. Қор, ёмғир, дўл бўладими, деҳқон ҳар қандай об-ҳаво шароитига тайёр туриши керак. Кетма-кет бўлган ёгингарчилик туфайли пахта майдонларимизда қатқалоқ юзага келиб, гўза барглари сарғайиб кетди. Шикастланган япроқларга олимларимиз яратган кимёвий воситалар билан икки марта ишлов берганимиздан сўнг у яшил тусга кирди.

Айни кунларда биологлария ходимлари пахтанинг баравж ўсишига ёрдам берадиган учинчи кимёвий ишловни беришмоқда. Бизни қатқалоқ кийнади. Агар уни 1-2 кунда юмшатмасак, пахтадан мўлжалдаги ҳосилни ололмаймиз. Бу муаммо ечимида бизга тракторнинг орқа қисмига тиркаладиган мотига қўл келади. У битта юришда 4-6 қатор оралари қатқалоқини юмшатиб чиқади. Бундан ташқари, 80 та икки тишли қўлбола хаскашдан фойдаланиб, пахта даламизни қатқалоқдан халос этдик.

Қандай об-ҳаво шароити кузатилаётган, деҳқон дала кезади. У қандай йўл тутса, ҳосилнинг чўғи баланд бўлишини, қайси ҳолатда зарар кўришини кўп йиллик тажрибасидан яхши билади. Улар ҳозирги масъулиятли паллада сифатли бажарилган агротехника тадбирлари туфайли яратилажак мўл ҳосил, ундан келадиган даромаддан ҳамма наф кўришни яхши тушунишади. Шу боис зарур чоралар ўз вақтида кўрилмақда. Зеро, деҳқон учун табиат инжиқлиги чўт бўлмаслиги керак.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МАЗЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Давлатимиз раҳбарининг «Коронавирус пандемияси даврида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

фойдаланишдан чиқиб кетган ерлар аҳолига имтиёзли шартларда ажратилади;

бунда ер майдонлари деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон хўжалиги юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатта ижарага берилади.

«Деҳқон ҳар қандай об-ҳавога тайёр туриши керак»

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Пичокчи» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган «Қахрамон» муқобил машина-трактор парки тасарруфидан 108 гектар ер майдони бўлиб, 64 гектарига ғалла, 44 гектарига пахта етиштирилади. Хўш, ёгингарчиликлар мавсумида омилдор деҳқонлар қандай чораларни қўлламоқда?

— Жорий йилнинг 18 апрелидан чигит экишни бошлаб, 23 апрел-



Карантин вақтида МАҲАЛЛАДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ ТЎХТАБ ТУРАДИМИ?



«...Хозир ҳамманинг дарди ҳам, гапи ҳам коронавирус бўлиб қолди. Телевизорда ҳам фақат шу ҳақда гапиришяпти. Лекин ҳаёт давом этипти, одамларни қийнаётган қанча муаммолар бор. Илтимос, шу муаммоларни ҳам ёритинглар, зора, мутасаддилар бартараф этиш чораларини кўришса...» дея кўнғироқ қилган Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Чағатой» маҳалласи Хонақа қишлоғида яшовчи Хусния Умарованинг мулоҳазалари бизни хушёр торттирди.

— Бу йилги баҳор серёгин келди, кучли шамоллар ҳам кўп эсяпти, биз эса бу ҳолатда юрагимизни ҳовучлаб яшаймиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Чунки биз ўзимиз яшаётган Ёшлар кўчаси хонадонларини электр тармоғига улаш бўйича кўп марта мурожаат қилган бўлсак-да, туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари бу ишни пайсалга солиб келишмоқда. Натижада хонадонларга қўлбола симёғочлар орқали электр токи уланган, симлар очиқ ҳолатда, одамнинг бошига тегадиган даражада пастдан ўтган. Битта қўлбола электр тақсимлагичга 8 та хўжалик уланган, баъзида қўчланиш пастлик қилиб, чирок ўчади.

Биз бу ҳолатга изох сўраб, Хатирчи тумани ҳудудий электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари билан боғландик.

— 2020 йилга мўлжалланган манзилли дастур асосида «Чағатой» маҳалласининг Хонақа қишлоғидаги электр таъминоти билан боғлиқ барча муаммолар жорий йилда ҳал этилади, — дейди корхона бош муҳандиси Ёқуб Ибодуллаев. — Аини пайтда дастур доирасида «Олмазор», «Бинокор» ва «Янги» маҳаллаларида электр тармоқлари янгиланди, симёғоч ва трансфарматорлар ўрнатилди. «Чағатой»да эса жорий йилнинг учинчи чорагида бу ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Демак, хонақоликларнинг муаммоси ёз мавсумида ҳал бўлади. Унгача табиат ўз кучини кўрсатмаса бўлгани!

**Йўллар носоз,
симёғочлар қўлбола,
ичимлик суви
истеъмолга яроқсиз...**

Туманнинг «Полвонота» маҳалласи аҳлини эса бундан-да катта-

роқ муаммолар қийнайди. Ҳудуд одамлари газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви масаласида азият чекмоқда. Шунингдек, улар ёзда чанг, қишда лой йўллардан юравериб бешиб қолишган.

— Яқинда асосий кўча таъмирланиб, асфальтланди, — дейди маҳалла фаоли Матлуба Очилова. — Бироқ ички йўллар аввалги ҳолатида қолди. Хусусан, ҳудудимиздаги 75-умумтаълим мактаби ва «Полвонота» қабристонига олиб борадиган йўллар жуда ёмон аҳволда. Ҳеч йўқса, қабристон йўлларини обод қилиш зарур. Аслида бизнинг маънавиятимиз, турмуш даражамиз мазорларга ва болаларимизга эътиборимизда кўринмайдими?

— Маҳалламизда ичимлик суви ҳам муаммо, — дейди фаоллардан яна бири Зарифжон Ибрагимов. — Маҳалланинг ярим аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган, яъни эса қудуқ сувини истеъмол қилади. Муаммолар қачон ечим топишни мутасаддиларнинг ўзлари ҳам билишмайди, чоғи.

Айни масала юзасидан туман «Сувоқова» ДУК вакилларига боғландик. Мутасаддиларнинг айтишича, жорий йилнинг учинчи чорагида маҳаллада қўшимча сув тармоғи қурилиши ва аҳоли тўлиғича тоза ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилган.

**Муаммолар ечими фақат
дастурга боғлиқми?**

Туманнинг «Дамариқ» маҳалласида ҳам худди шундай аҳвол ҳукмрон. Хусусан, йиғиннинг Олмазор кўчаси аҳлини қийшайган қўлбола симёғочлар муаммоси қийнайди. Уларнинг бу борадаги қайта-қайта қилган мурожаатлари мутасаддилар томонидан жавобсиз қолдирилмоқда.

Шунингдек, ҳудудда тоза ичим-

лик суви ҳам тақчил масала. Одамлар ер остидан чиқадиган ва ҳеч қандай қайта ишлов берилмаган шўр сувини ичишга мажбур бўлаётир.

— Инсон саломатлигининг 80 фоизи истеъмол қилаётган маҳсулотларига, хусусан, сувга боғлиқ, — дейди маҳалла фаоли Марзия Исмоилова. — Афсуски, биз йиллар давомида соғлигимизни хатарга қўйиб, истеъмолга яроқсиз сувни ичиб келяпмиз. Аини масалада бормаган жойимиз қолмади ҳисоб. Жавоб эса ҳар доим бир хил: «яна озроқ кутинглар», «кейинги йилги дастурга киритилади», «учинчи чорақда бажарилади» ва ҳақозо.

Айни ҳолатлар юзасидан туман мутасаддилари, тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Уларнинг айтишича, муаммолар давлат дастурига киритилиб, маблағ ажратилмагунча ҳал бўлмайди. Очиғи, маъсуллардан бундан ортиқ жўяли жавоб ололмадик. Қайси бирида раҳбар йўқлиги боис жавобгарликни ҳеч ким бўйнига олишни истамаган бўлса, бошқасида мавзу қолиб, бири тоғдан, бири боғдан келиб, гапни қуруқ олиб қочди.

Қизиқ, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, демак, муаммоларни фақатгина дастурга киритиш орқалигина ҳал этиш мумкин экан. Бу қишлоқларнинг дастурга қачон кириши эса барчага қоронғу. Ҳўш, дастур бўлмаса, қишлоқлардаги жузвий камчиликларни ҳал этиш имкони йўқми? Қачон дастурга киритилар экан, деб қишлоқ одамлари чироксиз ёки сувсиз ўтираверадими? Аслида, «Обод қишлоқ» дастури баҳона эмас, худудларни обод қилиш мақсадида ишлаб чиқилган-ку?

Айни мулоҳазаларимизга мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Ҳисоблагич бепул
алмаштириб
бериладими?**

— Ёмғир ва шамол бўлганда қўлбола симёғочдан ўт чиқди ва уйимиздаги электр ҳисоблагич яроқсиз ҳолга келди. Айтинг-чи, энди янги ҳисоблагич сотиб олишим керакми ёки электр тармоқлари корхонаси бу ҳолат менинг айбим билан бўлмагани учун ҳисоблагични бепул ўрнатиб беришадими?

**Хусния УМАРОВА,
Навоий вилояти.**

**Тимур БАЙЗАКОВ,
«Навоий ҳудудий электр
тармоқлари» корхонаси
масъул ходими:**

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергияси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қўра, янги кўринишдаги тежамкор электр ҳисоблагичлар истеъмолчиларга электр таъминоти корхоналари томонидан бепул ўрнатиб берилади. Бунинг учун фуқаро Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиши керак.

Маълумот учун, коронавирус туфайли жорий йилнинг 6 апрелидан эътиборан, санитария-эпидемиология ҳолат яхшилангунга қадар электр ва газ ҳисоблагичларни даврий қиёсловдан ўтказиш тўхтатилади. Ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини онлайн режимда жўнатиш, шунингдек, электр энергияси, табиий газ ва маиший чиқиндиларни олиб чиққанлик учун ҳисобларнинг ҳолатини текшириш ва назорат қилиш учун истеъмолчиларга қўлайлик яратиш мақсадида @mbuzbot Telegram-боти ишга туширилди.

**Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»**

Ўзбекистонда яна бир телеканал ташкил этилиши мумкин.

Бугун коронавирус пандемияси кириб бормаган ҳудуд қолмади ҳисоб. Барча жойларда тегишли тартиб ўрнатилган, ҳаракатланиш бўйича маълум чекловлар мавжуд. Бироқ бу ҳаёт тўхтаб қолди, дегани эмас. Зеро, муаммолар ҳам, ечимини қутаётган масалалар ҳам ҳануз жой-жойида турибди. Уларни эса четдан кимдир келиб ҳал қилиб бермайди. Афсуски, буни айрим ҳолларда мутасаддилар унутиб қўймоқда.

БИРИДА ЯХШИ, АКСИГА КИМ ЖАВОБГАР?

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги бир нечта маҳаллаларда бўлиб, одамларни қўйнаётган, ечимини қутаётган масалаларни ўргандик. Мақсадимиз кимнингдир юзини ерга қаратиш эмас, балки бироз сусткашликка йўл қўяётган масъулларни оғоҳликка чақириб, бошқалардан ибрат олишга ундашдир.

«Қорақалпоғистон табиати инжиқ, лекин тажрибамиз етарли»

«Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқад», дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ерга меҳр берган, у билан тиллаша олган инсон борки, ўзини бахтли ҳис этади. Бу бахтнинг сири фақат тўқис ҳаётда эмас, балки инсон ҳалол ризқ топганидан қаноат ҳосил қилишида ҳамдир. Бундай неъматнинг қадри, айниқса, ҳозиргидек глобал пандемия даврида янада яққол кўзга ташланади.

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир йиғилишда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқадан самарали фойдаланиш, бу орқали одамларнинг даромади олишга бўлган иштиёқини ошириш бўйича вазифалар белгилаб беради. Хўш, айна вазифалар ижроси доирасида Нукус шаҳридаги вазият қандай? Аҳоли томорқанинг том манода даромад манбаи эканини қанчалик тушуниб етганти?

Дастлабки манзилимиз Нукус шаҳридаги «Қутлы қоныс» маҳалласи бўлди. Йиғин раисининг айтишича, ҳудудда истиқомат қилувчи оилаларнинг деярли барчаси шахсий томорқага эга.

— Қорақалпоғистон табиати бошқа жойларга нисбатан бироз инжиқроқ, — дейди маҳалла раиси Гулистан Бердиниязова. — Шу боис бу ерда деҳқончилик қилиш осон эмас. Аммо одамларимиз йиллар давомида тўплаган тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Томорқалар «Дўстлик» каналида қурилган 2 та насос ёрдамида сув билан таъминланаётир. Томорқачилиқда муҳими, турли тахминларга берилмай, ишни бошлаш экан. Қолгани меҳнатингизга қараб ўз-ўзидан изга тушиб кетаверади. Буни бугун одамларимиз тушуниб етганти. Дарҳақиқат, табиат инжиқлиқла-

рига қарамай, томорқадан унумли фойдаланаётган йиғин аҳлининг меҳнатқашлиги кишини қувонтиради. Шу боис ҳудудга ташриф бурган киши борки, ўзгача файзни ҳис этади. Афсуски, кейинги манзилимиз ҳақида бундай фикрларни билдириб бўлмайди.

Ваъдалар ҳамон ваъдалигича қолиб кетяптими?

Нукус шаҳридаги «Қизилқум» маҳалласида етти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Афсусланарлиси, бугунги кунда бу ерда бор-йўғи битта хонадонда иссиқхона мавжуд.

— Томорқа ишларига эътиборсизликнинг асосий сабаби — сув йўқлиги билан боғлиқ — дейди маҳалла фаоли Тамара Сапарниязова. — Ҳеч ким ўз томорқасининг бундай бўш ётишини истамайди. Насос бўлмаса, водопровод суви ҳам чиқмайди. Энг ёмони, кўпчилик учун ичимлик сувининг ўзи муаммо. Утган асрнинг 80-йилларида тортилган сув қувурлари маънан эскирган, аҳоли сонининг кўпайиб бориши эса сув танқислигини келтириб чиқарган. Мазкур масала ечимини сўраб шаҳар ҳокимлигига қилинган мурожаатлар ортидан берилган ваъдалар ҳамон ваъдалигича қолиб кетяпти.

Сайланганига эндигина тўрт ой бўлган маҳалла раиси Қ.Қайипназаровни иш жойида учратдик. Бундан 2-3 йил олдин келганимизда атрофи турли чиқиндилар билан тўлиб ётган кўримсиз маҳалла биносининг атрофи анча ўзгарган.

— Эски бўлса-да, маҳалламизнинг ўз биноси бор, — дейди Қ.Қайипназаров. — Бироқ моддий-техник базамиз яхши эмас. Ҳудудда муаммолар ҳам талайгина. Ачинарлиси, шу пайтгача маҳаллада истиқомат қиладиган аҳолининг рўйхати шакллантирилмаган. Тахминий ҳисоб-китоб билан 1 минг 500 та хонадон, 7 мингдан зиёд фуқаро яшяпти, деб келинган. Лекин муаммоларни ўрганиш чоғида бу рақамларга нисбатан шубҳа уйғонмоқда. Шу боис ҳозир аҳоли ва хонадонларнинг аниқ рўйхати, уларнинг қандай ишлар билан машғул экани ҳақида аниқ маълумотлар базасини шакллантиряптимиз.

Йиғин раисининг айтишича, бу муаммо, айниқса, коронавирус инфекцияси тарқалган бир пайтда ногиронлиги бор, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнида анча қийинчилик туғдирди. Оддий мисол: икки нафар касалманд фуқаро эски уйда 4-5 йилдан буён газсиз, электр энергиясиз яшаб келган. Улардан ҳеч ким хабар олмаган, эҳтиёжмандлар рўйхатига ҳам қўшмаган. Яқинда уларнинг коммунал тўловлари ва бошқа қарзлари ҳомийлар томонидан тўланиб, уйлари таъмирланди.

Ҳудудга қачон эътибор қаратилади?

Маҳалла раиси билан суҳбатлашар эканмиз, эшиқда навбат кутиб турган фуқаролар олдида хижолат ҳам бўлди. Бу ҳудуддаги муаммолар кўпчилиги билан боғлиқ бўлса керак-да, деб ўйлагандик. Кейин билсак, бундай узундан-узун навбатларга маҳалла раиси тўққиз ойдан буён масъул котибсиз, тўртбеш ойдан буён профилактика инспекторисиз фаолият юритаётгани сабаб экан. Барча мурожаатлар билан фақат йиғин раиси ва мутахассиси шуғулланишга мажбур бўлаётир.

Том маънода дунёдан узилиб қолган «Қизилқум» йиғинидаги қатор оғрикли саволларга жавоб топиш мақсадида Нукус шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларига мурожаат қилдик. Хўш, ҳудудга қачон эътибор қаратилади? Одамлар қачонгача энг асосий эҳтиёж — сув ва электр токига муштоқ яшяйди?

— Жорий йилда «Обод маҳалла» дастурига муаммолар йиғилиб қолган ҳудудлар — «Ипак йўли»,

«Наврўз» ва «Қизилқум» маҳалла фуқаролар йиғинлари киритилиши кўзда тутилган, — дейди Нукус шаҳар ҳокимлиги масъул ходими Қиличбой Ажибоев. — Дастур

асосида тез орада ҳудудлардаги ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг таъмири ва бошқа соҳалар бўйича кўтлаб қурилиш ишлари олиб борилади. Муаммолар навбати билан босқич-ма-босқич ҳал этилади. «Қизилқум» йиғинида профилактика инспектори йўқлигига келсак, айтганимизда Бердимурат Аманиязов шу ҳудудга профилактика инспектори этиб тайинланди.

Ҳокимлик мутасаддиси сўзини яқунлаб улгурмай, Б.Аманиязов кўнгироқ қилиб, «Қизилқум» маҳалласида фаолият юритган ҳамкасби меҳнат таътилга чиққани, шу сабабли унинг ўзи 10 кундан буён шу маҳаллада фаолият юритаётганини айтиб қолди. Уни ўз иш жойидан топа олмаганимизни айтганимизда, буни ёрдамчиси билан жойлардаги муаммоларни ўрганиб юргани билан изоҳлади. Қизиқ, профилактика инспектори ва ёрдамчиси маҳалладаги муаммоларни ўрганиб юрган экану, лекин бундан йиғин раиси беҳабар бўлса...

Хуллас, «Қизилқум» маҳалласидаги муаммолар, айниқса, ичимлик суви билан боғлиқ масала ҳудуд аҳолисининг оғрикли нуқтасига айланган. Бунга эса йиллар давомидаги эътиборсизлик сабаб бўлган. Умид қиламизки, ҳокимлик мутасаддилари «дастурга киритилганти», «келгуси йил аниқ бажарилади» каби юзаки ваҳардан четлашиб, ушбу ҳудудда ечимини қутаётган муаммоларни қисқа фурсатда бартараф этади. Биз эса мавзуга яна қайтаемиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Дипломатларимиз юзлаб ватандошларимиз тўпланиб қолган Оренбург вилоятига боришди.

Ўтган йили мамлакатимиз Молия вазирлиги томонидан ўтказилган назорат ишларининг 78 фоизида давлат бюджет маблағларидан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланган. Бундан ташқари, ҳисоботлар юртимизда бюджет интизомига риоя қилмаслик йилдан-йилга ортиб бораётганини ҳам кўрсатиб турибди. Вазирлик тақдим қилган ҳужжатларга кўра, ўтган йили бундай қонун бузилишларининг умумий қиймати 488,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Вилоятлар кесимида эса энг кўп интизом бузилиш ҳолатлари Қашқадарё, Тошкент, Жиззах, Андижонда содир этилгани аниқланган.



ДАВЛАТ ЧЎНТАГИДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ, ВАЛЛОМАТ!

Албатта, амалга оширилган зарур чора-тадбирлар давомида ҳалқимиз пулларининг ярмиси бюджетга қайтарилишига эришилди. Қатор ҳолатлар бўйича прокуратура органлари жиноий иш очди, мансабдорлар ишдан олинди, жазоланди. Аммо, назаримизда юқоридегилар етарли бўлмаган кўринади. Зеро, яқинда Олий Мажлис Сенати ҳамда мамлакатимиз Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида бу борадаги ишлар Андижон вилояти мисолида яна ўрганилганида, шу кунгача 112,4 миллиард сўм давлат бюджети маблағлари ноқонуний сарфлангани аниқланган. Молия вазирлиги ҳисоботларига кўра, вилоят бўйича ўтган йили 11,8 миллиард сўмлик камчиликка йўл қўйилганини ҳисобга олсак, жорий беш ойлик «натижа» ундан ўн баробар кўплигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мавзу юзасидан **Олий Мажлис Сенати аъзоси Малика ҚОДИР-ХОНОВА**нинг фикрлари билан қизиқдик.

Андижон — Сенат танқиди остида

— Сенат девони таркибида Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси ташкил этилгани бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёни устидан назорат олиб боришда муҳим аҳамият касб этди, — дейди **М.Қодирхонова**. — Бошқарма, шунингдек, келгуси йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ва бюджет лойиҳасини ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан

молиявий экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади. Сенат раҳбарияти ва сенаторларга бюджет, пул-кредит сиёсати, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига доир материалларни ўз вақтида етказиб туриш ҳам бошқарма зиммасига юклатилган вазифалардан саналади.

Андижон вилоятида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолатлари ўрганилиши натижаларининг муҳокамасига бағишланган онлайн видеоконференцияда ҳам бошқарма мутахассислари томонидан бу борадаги ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 2020 йил I чорак бўйича бюджет ижроси юзасидан масъулларнинг ҳисоботи эшитилди. Ҳозирги кунда бошқарма ходимлари ушбу ҳудудлардан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил этмоқда.

Жамоатчилик фикрига пул йўқ!

Дарҳақиқат, Андижонда масала юзасидан вазият мақтанарли эмас. Аксинча кўпол хатолар ва жиддий қонунбузилишлар талай. Масалан, тасдиқланган бюджетга кўра, аҳоли бандлигини таъминлашга маҳаллий бюджетлар қў-

шимча манбаларининг 40 фоизи ни ажратиши керак эди. Аммо бу мақсадлар учун бир сўм ҳам ишлатилмаган. Шунингдек, қўшимча манбалар ҳисобига орттирилган даромаднинг 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида ташкил қилинадиган тадбирлар учун аталган. Аммо амалда вилоятда бундай ишларга умуман пул сарфланмади. Қўшимча манбалар ҳисобидан қарийб 112,4 млрд сўм манбасиз ва мақсадсиз харажат қилинишига йўл қўйилди.

Мактаб ва сувнинг ҳаққи «тешиб чикмайдами»?

Жумладан, аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга ажратилган 4,9 миллиард сўмлик маблағлар самарасиз сарфлангани ҳисобига 2018 йилда (!) фойдаланишга топширилиши белгиланган Хонобод шаҳридаги «Тейит», «Фозилмон» ва «Хидирша» маҳаллалари, Андижон туманидаги «Нўхатак», Хўжаобод туманида жойлашган «Хидирша» маҳаллаларида сув тармоқларини қуриш ишлари якунига етказилмаган ва аҳоли ичимлик суви билан таъминланмаган. Шунингдек, 9 та ижтимоий соҳа объектини қуриш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган 1,2 миллиард сўмлик жиҳозлар ўрнига бошқа турдаги ускуналар ўрнатиб ташланган. Масалан, Избоскан туманидаги 29-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатидаги қиймати 342 миллион сўмлик 2 дона иситиш печи ўрнига нархи номаълум, аввал фойдаланилган, эски печлар ўрнатилган. Бу каби ҳолатларни яна санаш мумкин.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан йиғилган ҳужжатлар прокуратура органларига тақдим этилди. Улар тегишли ҳуқуқий баҳо беради, деб ишонамиз. Вилоят раҳбариятига эса келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш, камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларнинг масъулиятини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бюджет тўғрисидаги янги қонун қандай амалга оширилади?

Шу ўринда, куни кеча Президентимиз томонидан «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланганини эслаб ўтиш лозим. Янги қонунда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз шароитида давлат бюджети энг долзарб ва муҳим соҳаларга йўналтирилган тарзда қайта кўриб чиқилган. Бу чоралар бугун дунёда вужудга келган оғир вазиятдан йўқотишларсиз, осон чиқиб кетишимизни таъминлайди.

Аммо қатъий бюджет интизومي шакланмас, маҳаллий раҳбарлар томонидан тасдиқланган режаларга сўзсиз амал қилиниши таъминланмас экан, эзгу ниятлар амалга ошмай қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис халқ вакиллари — депутат ва Сенат аъзолари, Молия вазирлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари соҳада шаффофлик ва адолатни таъминлаш йўналишида белгиланган тадбирларни амалга оширишда давом этади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Пахта толаси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати 150 кунгача узайтирилади.

ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ТУГАГАН ЛИФТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚАЧОН БАРҲАМ БЕРИЛАДИ?



Кўп қаватли уйларда лифт бузилиб қолиши ёки йиллар давомида хизмат кўрсатмаётганидан азият чекаётган хонадонлар шаҳарларимизда оз эмас. Бундай ҳолатлар вилоятларда кўпроқ кузатилади. Айрим жойларда лифтан умидини узган фуқаролар қурилма «шахта»сини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олишгани ҳам бор гап. Лифтнинг носозлиги, айниқса, кексалар, ногиронлар ва ёш болали оилаларга қийинчилик туғдиради. Ҳатто пойтахтимизда ҳам яроқлилик муддатини ўтаб бўлган лифтларни таъмирлаш учун пул йиғилиши ҳолатлари аксарият хонадон эгаларининг сабр-косасини тўлдирган. Аслида ҳар бир кўп қаватли уйда бўлиши шарт бўлган юк кўтарувчи лифтлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

2016 йилда «Samarkand Euro Asia Lift» акционерлик жамияти инқирозга учраган Самарқанд лифт қуриш заводи базасида ташкил этилди. Афсуски, ўшанда юртимиздаги ягона лифт заводи инқирозга учраган эди. Янги акционерлик жамиятида ойига 30 та лифт ишлаб чиқарилади деган хабар берилди. Ўша йили Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг лифтлари алмаштирилиши ва 2021 йилгача умумий қиймати 65,8 миллиард сўмлик 1000 та лифт ўрнатилиши кўзда тутилгани тўғрисида ёзилди.

Хўш, лифтлар ўзгартирилдимиз! Бу хусусда Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига мурожаат қилдик.

Барча эски лифтлар алмаштирилади

— Бугунги кунда республикадаги умумий 2 483 та кўп қаватли уйларда 5922 та лифт ускуналари мавжуд. Шулардан 5000 дан зиёди (85фоиз) Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келади. — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Алипошо Аҳмедов. — 2019 йилда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига кўп квартиралардаги лифт ускуналарининг носозлиги юзасидан 716 тадан ортик мурожаатлар келиб тушган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 3270 та (65фоиз) лифт 25 йиллик эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва уларни янгилаш, қолган ҳудудлардаги 412 та лифт ускуналарини капитал таъмирлаш ёки янгилаш талаб этилади. Кўп хонадонли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш ҳамда лифтлардан

фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида мавжуд таъмирга муҳтож қурилмаларни созлаш ва янгисига алмаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш» параметрлари ишлаб чиқилган. Босқичма-босқич барча вилоятларда эски лифтлар алмаштирилмоқда.

Бахтсиз ҳодисалар бўлганми?

— Лифтларни таъмирлаш, эскиси ўрнига янгисини ўрнатиш катта маблағ талаб этади. — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Кўп квартиралар уйлари бошқариш ташкилотларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиги Лазиз Ҳамидов. — Жумладан, 9 бекатли лифтнинг нархи катта маблағ талаб этади. Бундан ташқари, эски лифтни монтаж қилиш ва созлаш ишлари учун 15-20 миллион сўм маблағ сарфланади. Албатта, кўп қаватли хонадонларда лифт муаммосининг мавжудлиги аҳоли учун жиддий ноқулайликларни келтириб чиқаради. Аммо, қарс икки қўлдан чиқади. «Дом» ларда истиқомат қилувчилар ҳам лифтан фойдаланишда меъёр ва талабларга (белгиланган кўрсаткичдан оғир юкларни ташиш, болаларнинг лифтни ўйнаши) риоя этишлари лозим. Афсуски, аҳоли эътиборсизлиги натижасида баъзида лифт эҳтиёт қисмларининг ўғирланиши ҳолатлари ҳам содир бўляпти. Бозорда эҳтиёт қисмларини миллионлаб сўмга сотиб олиш мумкин. Бу эҳтиёт қисмлари ўз-ўзидан

бозорга келиб қолмайди. Қайсидир кўп қаватли уйнинг лифтидан ўғирлангани аниқ. Натижада носоз лифтларда бахтсиз ҳодисалар ва кўнгилсизликлар содир бўлиши тайин. Кўп қаватли уйларда ўрнатилган лифтлардан фойдаланиш етарли даражадаги хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги оқибатида шу кунгача 10 та ҳолатда авария ва бахтсиз ҳодисалар юз берган. Бу дегани, эътиборсизлик оқибатида 10 та оила жабр кўрди. Аслида техник жиҳатдан эскирган лифтлардан фақатгина «Ўзстандарт» агентлигидан белгиланган тартибда рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотларининг ижобий хулосасидан кейин фойдаланиш мумкин. Аммо бугунги кунда ўнлаб кўп қаватли уйларда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган лифтлардан фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳолат барча вилоятларда бор. Мисол учун, биргина Самарқанд шаҳридаги 17 та ширкатга қарашли 42 та кўп қаватли уйлардаги муддатини ўтаб бўлган 124 та лифтан ҳанузгача фойдаланиб келинмоқда.

Муаммолар етарлича, ечим эса...

— Бугунги кунда лифт бўйича шикоятларнинг кўпайганлиги рост, — дейди А.Аҳмедов. — Соҳага оид талайгина муаммолар йиғилиб қолган. Биринчи ўринда молиявий маблағларнинг чекланганлиги тўғрисида ўз вақтида лифт ускуналарига даврий техник хизмат кўрсатилмаяпти. Режали таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борилмаслиги оқибатида лифтларнинг асосий техник қисмлари эскирганлиги, лифт ускуна-

ларининг сифатини аниқловчи халқаро стандарт ва тадқиқотлар усули мавжуд эмаслиги, малакали мутахасссларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан лифтларга техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузилмаганлиги ва ягона диспетчерлик хизмати ташкил этилмаганлиги каби камчиликлар сақланиб қолмоқда. Ушбу камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида «2021-2027 йилларда Ўзбекистон Республикаси кўп квартиралар уй-жойлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳаси тайёрланди. Ҳозирда ушбу лойиҳа муҳокамага қўйилган.

«Ўз уйингни ўзинг асра»

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, аксарият кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар лифтлардан нотўғри фойдаланади. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ҳали ҳам бундай салбий ҳолатлар кузатишмоқда. Юқоридаги масъулларнинг таъкидлашича, беш-олти йил ичида барча эски лифтлар алмаштирилган экан. Демак, бори-борини амаллаб ишлатиб туриш аҳолининг ўзига боғлиқ. «Ўз уйингни ўзинг асра» деганларидек, «ўз лифтингни ўзинг асра» шiori остида иш кўрмоқ керак.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Туркменистон Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи мақомида аъзо бўлишга ариза берди.



Баҳор-куз мавсумида ёғингарчилик туфайли айрим ҳудудларда йўллар, аҳоли яшаш жойларини сув босиши ҳолатлари кузатилади. Ижтимоий тармоқларда жорий йил апрель ойида Самарқандда «тез ёрдам» шифокорларининг кўкрагига сув келиб беморни уйдан олиб чиқаётган ҳолатдаги видеоси тарқалди. Бунга ўхшаш вазиятларни бошқа шаҳару қишлоқларда ҳам кўриш мумкин. Энг қизиғи, ҳар ёғингарчилик мавсумида шу аҳвол такрорланади. Оқибатда қанча ноқулайлиги талафот юзага келади. Селлар натижасида катта зарар кўрилади, энг ачинарлиси, инсонлар қурбон бўлади. Албатта, халқ томонидан «сув балоси» деб аталувчи табиат ҳодисасига чек қўйиш инсоннинг қўлида эмас. Аммо тошқин юзага келишининг олдини олиш ёки сел туфайли етадиган талафотни камайтириш имкони бор-ку. Шундай экан, нега бундай ҳолатлар дам-бадам юз бераверади? Наҳотки, бу борада ўз вақтида керакли чора-тадбирларни кўришнинг иложи бўлмаса?..

ТОШҚИНЛАР муаммоси қачон тўлиқ бартараф этилади?

Табиий офатга қарши қандай чора кўрилади?

— Ҳоҳлаймизми-йўқми, табиат ҳодисалари билан ҳисоблашимизга тўғри келади. — дейди **Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати ходими Самандар Ҳикматуллаев**. — Бундан сув тошқинлари ҳам истисно эмас. Мисол учун, айна ҳозирги май ойи локал ёмғирлар ёғадиган давр ҳисобланади. Яъни кичик бир ҳудудда йиллик ёмғир миқдори 10-15 дақиқа, нари борса, ярим соат ичида ёғиши мумкин. Бунга вазиятларда ариқ ва каналлар сувни сиздира олмай қолади ва тошқин юзага келади. Шунингдек, ҳудуднинг баланд-пастликлардан иборат экани ҳам шундай ҳолатга сабаб бўлади. Чунки барча сув қиялик томон оқади.

Сел деганда эса тоғ дарёларида юзага келадиган сув, лой ва ҳарсангтошлардан иборат оқим тушунилади.

Аввало, ушбу табиий офатлардан зарар кўрмаслик учун қандай чоралар қўллаш ҳусусида тўхталсак. Биринчи навбатда, «Ўзгидромет» маркази Фавқуллодда вазиятлар вазирлигига содир бўлажак сел ва тошқинлар ҳақида маълумот беради. Биз SMS-хабар орқали аҳолини хавфдан огохлантираемиз. ОАВларда ҳам тезкорлик билан огохлантирув берилади. Шу билан чекланувмайди, албатта. Гидрометеорология хизмати сел йўлига тўғри келадиган аҳоли уйлари, иншоотларга аниқлик киритади. Вазирлигимиз вилоят ҳокимликларига ушбу маълумотларни етказди. Хавф юқори бўлса, аҳоли вақтинча кўчирилади.

Тошқинларга сабаб кўпинча — масъулиятсизлик

Текислик ҳудудларда рўй берадиган сув тошқинларида аҳолининг ҳам айби бор. Хусусан, чиқиндилар ташланиши натижасида сув йўллари бекилиб қолади. Шунингдек, ариқлар, каналлар, дарёларнинг бўйига дарахтлар экишади. Ёки чойхона, дам олиш жойи қуришга ҳаракат қилишади.

Буни ким назорат қилади? Айтиш жоизки, маҳаллий ҳокимият вакиллари бу ҳақда аҳолини огохлантириши ва ушбу тартибга амал қилмаётган шахсларга нисбатан жарима қўллашлари зарур. Ариқ ва каналлардаги сув оқимига тўсиқ бўладиган ҳолатларни бартараф этиши керак. Афсуски, кўп ҳолларда маҳаллий раҳбарларнинг бу ишга панжа орасидан қарашли натижасида кўча ва аҳоли яшаш жойларини сув босиб, ноқулай аҳвол юзага келади.

Тез-тез сел келадиган жойларда аҳоли вазиятга тайёр бўлади

Ўзбекистоннинг 20 фоиздан ортиқ қисми тоғли ҳудуд саналади. Энг кўп тоғли ҳудудлар Фарғона водийсида жойлашган. Шу боис водий вилоятларида, айниқса, Наманганда сел ҳодисаси кўп учрайди. Умуман олганда, тоғли ва тоғолди ҳудудларимиз сел хавфи билан юзма-юз келади.

Эътиборли жиҳати, сел доимий хавф соладиган жойларда яшовчи аҳоли вазиятга тайёр бўлади. Селдан кўп жабрланадиган, талафот кўрадиганлар эса шаҳардан дам олгани борган ёки ҳудудни яхши билмайдиган одамлар ҳисобланади. Бундан ташқари, селнинг пайдо бўлиш даврийлиги бор. Баъзан ёғингарчилик кўп кузатилади, баъзан йил қурғоқ келади. Бир сел ўтган жойдан 2-3, 10, ҳатто 20-25 йилгача сел келмаслиги мумкин. Бу эса одамларни чалғитиб, сел

йўлига уй қуришади, боғ ва экинзор барпо этишади.

Энг муҳим омил — профилактика

Эътиборни фақат профилактикага қаратиш, аҳолини ўқитиш, вазиятга тайёрлаш билан масалага ечим топиш мумкин. Чунки ҳеч қандай куч селнинг йўлини тўсолмайди. Сел тўсатдан келади. Ёмғир ёғатгани, тоғларнинг устида қор тўтланиб қолгани, тепалик жойга чиқиш, сойнинг йўлига тушмаслик керак.

Аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ягона ечим эмас. Тожикистоннинг 75 фоиз, Қирғизистоннинг ундан ҳам кўп, Япониянинг 80 фоиз ҳудуди тоғли. Ушбу мамлакатлар аҳолиси ўша ерда яшашга мажбур. Бизда эса кўчириш имкони бор. Лекин одамларимизни вазиятга мослаштирсак, бунга ҳожат қолмайди.

Вилоят фавқуллодда вазиятлар бошқармаларидаги ўқув марказларида маҳалла раислари, маслаҳатчилари келиб тайёргарликдан ўтади. Кейин тоғли жойларда ўқув машқларини ташкил этамиз. Унда аҳоли ҳам қатнашади. Айнан амалий машғулотлар яхши самара беради. Чунки бу жараёнда юзага келган вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги кишининг ёдида қолади. Шуниси борки, бу борада фақатгина Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги тизими томонидан амалга ошириладиган ишлар етарли бўлмайди. Жойлардаги мутасаддилар, қолаверса, аҳоли ҳам ушбу чора-тадбирлардан ўзини четта олмаслиги керак.


Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

13-14 май кунлари кучли ёмғир сабабли Жиззах, Сурхондарё, Навоий вилоятларининг айрим ҳудудларида сел юзага келди. Жумладан, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманида 6 та техника ҳамда 22 нафар қутқарувчи томонидан содир бўлиши мумкин бўлган сув тошқини ва бошқа кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинди.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида сув тошқини юзага келиши мумкинлиги сабабли 900 нафар фуқаро хавфсиз ҳудудларга вақтинча кўчирилди. Шунингдек, Бойсун туманидаги «Авлод» сойи орқали сел келиши натижасида қишлоқларни боғлаб турувчи кўприкни сув босди. Вилоят ФВБ қутқарувчилари, 20 га яқин техника кўмагида сел оқибатлари бартараф этилмоқда.

Фермер 195 миллион сўмлик ноёб дарахтларни нобуд қилди.



«ИЛХАҚ» — 5 ўғлидан айрилган она фарёди



Иккинчи жаҳон урушида миллионлаб инсонлар қурбон бўлишган. Манбаларга кўра, беш ўғлини урушга кузатиб, биронтасини қайта кўриш насиб этмаган онаизорлар дунё тарихида бор-йўғи уч нафарни ташкил этади. Шулардан бири — камтарин ва ҳокисор ўзбек аёли — Зулфия ая Зокировадир.

Фашизм устидан ғалаба қозонишда ўзбек халқи қўшган бекиёс ҳисса, қаҳрамонликлар ҳақида ёзишган, эшитганмиз, ўқиганмиз. Аммо Зулфия аянинг қаҳрамонлиги ўзбек томошабини учун катта янгилик, қалбларни ўртловчи ҳақиқат бўлди. Узоқ йиллардан бери сахналарга олиб чиқилмаган Иккинчи жаҳон уруши мавзуси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан яна экранларга қайтиб, «Илхак» фильми орқали ҳар бир хонадонга кириб борди.

Юрт бошига иш тушганида жондан азиз фарзандлари ажалга рўбарў бўлиши зарурлигини теран англаган, тақдир хўмига жимгина бўйсуниб, юраги тилка-пора бўлса-да, ғам-аламини бировга билдирмай ҳокисоргина яшаб ўтган аянинг мунис қиёфаси каттаю кичикка ибрат бўлди, бугунги кунларимиз учун шукроналикка чорлади.

Фильм ўзбек томошабини учун катта янгиликлар билан кириб келди. Пухта ишланган, таъсирли сценарий, саралаб танланган актёрлар жамоаси, қойилмақом ижро, декорациялар... Хуллас, санайверса, ютуқлар кўп. Аммо бош роль ижрочиси — Зулфия аянинг мунис ва ғамгузор қиёфасини юксак даражада очиб беролган санъаткор, таниқли актриса ва режиссёр Дилором Каримованинг хизматлари алоҳида эътирофга сазовор.

Дардини сездирмай қуйиб ўтган она...

— Зулфия ая тимсоли камдан-кам актрисаларга мос тушадиган ва актёр биографиясида алоҳида ажралиб

турадиган оғир роль, — дейди Д.Каримова. — Сценарийни ўқиган заҳотим ролнинг юрагимга яқин эканини сездим. Чунки мен уруш даври даҳшатларини ҳис қилганман. Зулфия ая ҳаёти одамга жуда катта таъсир қилади. Унинг тимсолини яратишда авлодлари билан бир неча марта суҳбатлашдим, альбомларни кузатиб, у ҳақдаги хотираларни эшитиб, образни гавдалантиришга уриндим. Аянинг беш фарзандидан биронтаси қайтмаган. Бунга чидаш қанчалар оғир?! Аммо ая асло дод-вой қилмай, йиғлаганини бировга билдирмай, куя-куя бу дунёдан кетган. Ўғиллари бир ўзиники эмас, юртники экани, эл бошига тушган фалокатта мана шу ўғлонларгина қалқон бўла олишини яхши англаган. Аёллик қудрати, чидам ва матонат, вафою садоқат шу оилада жамланган. Чунки келинлари ҳам қайнона тақдирини қабул қилиб олишган, биронтаси бошқа турмуш қурмай, ёрига садоқат сақлаб ўтишган. Аянинг энг оғриқли дарди Юсуфжон эди. Чунки катта ўғилларидан зурриёд қолгани унинг юрагига сал бўлса-да таскин берар, аммо кенжа Юсуфжон чимилдик кўрмаган, севган қизи юзидан ўпич олмаганди. Тоғдек ўғилларидан айрилган онанинг дарду дунёсини чиқариб бериш осон бўлгани йўқ...

Ғалаба ортидаги қурбонликларни фарзандларимиз билиш лозим

Фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедовнинг топилмалари, янги чехралар, махсус эффе́кти мураккаб сахналар (йирик планда катта биноларнинг портлаши каби) ҳам фильм муваффақиятига замин яратган. Қолаверса, режиссёрнинг ўзи Хонободда — беш қаҳрамон жангчининг онаси Зулфия ая истиқомат қилган маҳаллада вояга етгани, аянинг бошига тушган кулфатларни эшитиб улғайгани ҳам

фильмнинг қимматини оширган.

— Уруш йилларида халқимиз кўрсатган қаҳрамонликлар неча-неча фильмларга гоյ бўлгулик, — дейди Жаҳонгир Аҳмедов. — Зулфия ая ўша пайтларда уйдаги бор дондунини фронт учун олиб чиқиб берган, соғин сигирининг сутидан бутун маҳалла баҳраманд бўлган. Эшитганман, қимнингдир уйига қора хат келиб, ғамга ботганида унга қишлоқдошлари Зулфия аяни ибрат қилиб кўрсатишаркан. Беш ўғлидан айрилиб, бардош билан келинларию набираларига бош бўлиб юрган аёл ўз вақтидаёқ бошқаларга намуна, таскин бўлган. Буларнинг барчасидан бугунги ёшларимиз бохабар бўлишлари керак. 75 йилдан бери ҳар йили 9 майда фашизм устидан қозонилган ғалаба учун қувонамиз, Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаймиз. Лекин мана шу ғалаба ортида халқимиз нималарни қурбон берганини фарзандларимиз ҳис қила олиши, ҳар қандай мушкул вазиятда бирлашиш катта куч эканини англаши лозим.

Белбоғ, духоба камзул ва дарё қирғоғидаги йиғи

Фильмда Зулфия аянинг белидан арслони Холмат аканинг белбоғи тушмайди. Белбоғ аёлнинг ота масъулиятини ҳам бўйнига олгани, энди бошқа турмуш қурмаслиги рамзи. Кейинчалик келинларидан бири ҳам белбоғни белига маҳкам боғлайдики, беихтиёр кўзларга ёш қалқайди. Ленинграддан духоба камзул олиб келишни ваъда қилиб, онаизоридан урушга кетишга изн сўраган 17-18 ёшлардаги кенжа ўғил тақдири, болаларининг ўлими ҳақидаги машғум хабарни эшитиб келинларию набиралари олдида ўзини ушласа-да, дарё бўйига бориб оху нола қилган онаизорнинг дарди томошабинга ҳам кўчади: унга қўшилиб йиғлайсиз, болангиз ёнгангизда экани, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч эканига минг-минг шукроналар

айтасиз. Бундай топилмалар фильмга ўзига хос маъно-мазмун бахш этган. Ж.Аҳмедовнинг таъкидлашича, белбоғ, духоба камзул, сув бўйидаги йиғи аянинг ҳаётидан олинган ҳақиқат бўлгани учун ҳам юракларни жунбушга келтирди.

Зулфия аянинг хонадониди

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан Зулфия Зокирова яшаган хонадон — Тошкент вилояти Зағиота тумани Хонобод қишлоғи, «Қушбеги» маҳалласидаги ҳовлида «Садоқат ва матонат тимсоли» мавзусида учрашув ташкил қилинди. Тадбирда «Илхак» фильми ижодкорлари — бош режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, Зулфия ая тимсолини яратган актриса Дилором Каримова ҳамда бошқа эл севган санъаткорлар ҳам иштирок этди. Самимий суҳбатларда санъаткорлар фильмини суратта олиш жараёнлари ҳақида сўзлаб беришди, аянинг неваралари Фарҳод Муҳаммаджонов ва Гулчехра Сулаймонова сулола ҳаёти бугун бутун Ўзбекистонга танилгани, моmolларининг улкан қалби, чидам ва матонати энди кинога кўчиб абадийлаштирилганидан тўлқинланиб фикрлар билдиришди.

Жорий йилнинг 9 май куни Президентимиз ташаббуслари билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида Ғалаба боғи ташкил этилиб, бу ерда Зулфия ая ва унинг урушдан қайтмаган ўғиллари, садоқатли келинлари хотирасига атаб қад рoстлаган «Матонат мадҳияси» мажмуаси катта ҳаётий сабоқ ва ибрат мактаби сифатида каттаю кичик учун табарруқ зиёратгоҳ бўлганидан миннатдор эканликларини ижор этишди.

Дарҳақиқат, Зулфия Зокированинг тақдири ўзбек характериининг ёрқин чизгисига, оиласи, хонадони энди ҳар биримизнинг қадрдонимизга, сулоланинг дарди бутун ўзбек халқининг қайғусига, сабру бардоши матонат мадҳиясига айланди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирда сайёрамизда 320 миллион нафардан зиёд инсон қандли диабетдан азият чекмоқда. Афсуски, касалликни бир қанча хавфли асоратлари бор. Улардан бири — оёқ тўпиғи диабетидир. Хўш, у қандай касаллик? Унинг келиб чиқиш сабаблари нималарга боғлиқ? Қай тарзда бартараф этиш мумкин?

ОЁҚ ТЎПИҒИ ДИАБЕТИ

хавфли хасталиқми?

Ушбу саволлар билан Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали директори Бобир ТЕШАЕВга мурожаат қилдик.

— «Диабетик товон», яъни оёқ диабет тўпиғи синдроми қандли диабет билан оғриган касалларнинг 16-18 фоизда учрайди. — дейди Б.Тешаев. — Бунда оёқларнинг озиб кетиши, совуқ қотиш, санчиклар, увишиш, қувватсизлик, сезувчанликнинг пасайиб бориши, товон ёриқларининг пайдо бўлиши каби ҳолатлар кузатилади. Бундай ўзгаришлар кўпчилик ҳолатларда оёқ бармоқларидан, тирноқлар ёнидан, оёқнинг товон соҳасидан бошланади. Уларнинг асосида оёқдаги асаб толалари, кичик ва катта қон томирларининг зарарланиши ётади.

Яъни қонда қанд миқдорининг ортиб кетиши қон томирлар бутунлигига салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг эластиклигини бузади ва торайтиради. Натижанда тўқималарга қон келиши камайиб, оёқлар музлаши кузатилади. Қондаги ортикча қанд таъсирида оёқлардаги нерв тугалмалари зарарланади. Бу эса товонни сабабсиз қизиши ёки аксинча музлашига хос шикоятларни келтириб чиқаради.

Қандай белгилари бор?

Касалликда дастлаб майда қон томирлар, капилярлар зарарланади. Аста-секин ривожланиб, нерв тўқимасида глюкоза алмашинуви бузилади. Сўнг яра пайдо бўлади. Бу ҳолат юриш ҳамда тик туришга ҳалақат беради. Шунингдек, касалликка чалинган беморлар оёқлар чарчаш, увишиши ва оғриқдан шикоят қилади. Бу шикоятларнинг доимийлиги ва даражаси касаллик босқичига боғлиқ. Диабет узоқ вақт давом этганда, оёқ панжасининг кўндяланги ва бўйлама ўлчамлари катталашади, яссиоёқлик ривожланади, панжа-болдир бўғими ҳамми катталашади. Оёқ панжасида қадоклар пайдо бўлади.

Кўп ҳолларда асаб толаларининг зарарланиши оқибатида



сезирлик йўқолади, натижада оёқ қафти шаклининг ўзгариши ва ҳатто юришнинг бузилишига олиб келади. Бундай беморларда салгина шикастланиш натижасида сурункали яра пайдо бўлади. Бемор сезирлигини йўқотгандан сўнг ҳам оёқ қафтида юраверади, бу эса яранинг битилиши секинлаштиради. Вақт ўтиши билан инфекция тушиши оқибатида йиринглаб кетади.

Пойабзални тўғри танлаш лозим

Юқоридаги белгилар бор беморлар оёқлари қафти шакли ўзгарганда пойабзални тўғри танлаши, оёққа лойиқ сиқмайдиган бўлишига катта аҳамият бериши шарт. Жуда тор ҳам, жуда кенг ҳам бўлмаслиги керак. Ички юзаси оёқ қафтидан 1-2 сантиметр узунроқ, ичининг кенлиги оёқ қафтига мос, бармоқлар бемалол турадиган даражада бўлиши лозим.

Оғир ҳолатлари қандай кечади?

Оёқдаги қон томирларнинг бекилиб, қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ касалликларда 28 фоизгача оёқларни батамом ёки қисман кесиб ташлашга олиб келувчи, тўқималар ўлиши (некроз) билан кечадиган катта чирикли яралар, йиринг ва қорасон кузатилади. Тана юзасидаги тўқималар йиринглаганда аксаридан микроб кўпаяди. Шунинг учун бундай тўқималар

жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

Ички аъзоларни заҳарлайди

Катта ҳажмдаги йирингли яраларнинг хавфли томони шундаки, бу яралардан одам танасига заҳарли моддалар сурункали равишда тушиб, буйрак, юрак, ўпка, бош мия ва бошқа ички аъзоларни зарарлайди. Бу эса беморнинг ҳолсизлиги, қувватсизлиги, юрак уриши тезлашиши, ҳансираши, сийдик миқдорининг камайиши, иштаҳаси бўғилиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, асабийлашиши билан намоён бўлади.

Шунингдек, товонда, тақим остида ва ҳаттоки сонда томир уриши пасайиши ёки умуман аниқланмаслиги мумкин. Буни ультратовуш доплерографияси, оёқ қон томирлари компьютер томографияси аниқ кўрсатиб беради. Агар магистраль қон томир ёпилгани аниқланса, у қон-томир жарроҳи томонидан очилади.

Диабет тўпиғи белгилари намоён бўлганда, мутахассисга учрашиб, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бу касалликдан эрта қутулиш ва даволашида қадқат бўлади. Ҳар биримиз йилига бир мартаба қондаги қанд миқдорини текширтириб туришимиз эса келажакда соғлом ва хотиржам ҳаётни таъминлайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандли диабетнинг белгилари нималардан иборат?

— Қандли диабет билан касалланганман. Айти пайтда бу кўриш қобилиятимга ҳам ўз таъсирини сездирапти. Менга касаллик белгилари, унинг хавфлилик даражаси ва асоратлари ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Хўжам ҚУРБОНОВ.
Қарши тумани.

Жамшид ЯРМАМЕДОВ,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали шифокори:



— Қандли диабет доимий ҳолсизлик, тез-тез чанқаш, сабабсиз озиб кетиш, очлик ҳиссиёти, тез-тез ва кўп ҳажмда пешоб келиши, яраларнинг узоқ битмаслиги, оёқларда сезишнинг пасайиши ва оғриқлар, кўриш қобилиятининг пасайиши билан намоён бўлади. Касаллик бошланишида узоқ муддат давомида беморга билинмайди. Кўп ҳолларда диабет аломатлари рўёбга чиққанида ташхис қўйилади. Кеч ташхис қўйилиши ва даволашнинг кеч бошланиши эса касалликнинг хавфлилик даражасини ошириб, оғир ва асоратлар билан кечилишига сабаб бўлади.

Қандли диабет асоратларини эрта ва кеч учрайдиган турларга бўлиш мумкин. Эрта учрайдиган асоратлар қонда қанд миқдорининг кескин пасайиб ёки кўтарилиб кетиши билан боғлиқ. Кеч асоратларига организмнинг кўплаб орган ва тизимларига таъсир қилишидан келиб чиқади.

Қандли диабет билан оғриган беморларда узоқ муддат қанд миқдорининг баланди туриши натижасида кўз касаллиги (диабетик ретинопатия) вужудга келади. Бу кўриш қобилиятининг пасайишига ва ҳатто, унинг йўқолишига ҳам олиб келиши мумкин. Қандли диабетнинг кўзга таъсири кўриш қобилиятининг пасайишидан анча олдин бошланади. Шунинг учун беморлар кўз шифокори назоратида бўлишлари керак.

«Mahalla» муҳбири
Шоҳиста БОЗОРОВА ёзиб олди.

Россияда муҳожирлар қамоқхонасидаги ўзбекистонликларга ифторлик учун ош тарқатилди.

ҚИЛТОМОҚ

ёхуд қизилўнғач ўсмаси қандай касаллик?



— Яқинда катта ўғлим анчагина оғриб, онаси ва мени хавотирга солиб қўйди, — дейди Сардор исмли дўстим. — Аввал бошида унинг «овқатимни ютишга қийналягман» деган гапига, ўтиб кетар, дея эътибор бермагандик. Аммо кейинчалик ўғлим суюқ овқатларни ҳам юта олмай қолди. Шифокор кўригига олиб боришга мажбур бўлдик. Кейин билсак, фарзандим қизилўнғач ўсмаси — қилтомоқ бўлиб қолган экан. Яхшиямки, шифокорга ўз вақтида мурожаат қилганимиз, акс ҳолда касаллик ёмон оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин экан.


Балиқ қилтомоқлари дисфагияга сабаб бўладими?

Кўпинча халқ орасида кимдир «қилтомоқ бўлиб қолибди» деган маънодаги гап-сўзлар қулогимизга чалинади. Бу хасталик қизилўнғач билан боғлиқ бўлиб, асосан, томоқдаги ноқулайлик, овқатни чайнаш ва ютиш пайтидаги қийинчиликлар орқали бошланади. Бунда бемор дастлаб қуюқ, кейинчалик суюқ овқатларни ҳам юта олмай қолади. Тўш орқасида, баъзан кўкрак пасти ва қорин соҳасида оғриқлар кузатилади.

Касалликнинг келиб чиқишига тановул вақтидаги ноҳуш ҳолатлар — қизилўнғачнинг балиқ қилтаноқлари, овқатдаги майда суюқлардан шикастланиши, кимёвий кислоталар ва ишқорлардан қуйиши ёки носоглом ҳаёт тарзи сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу хасталик мия-қон томирларининг жароҳатланиши, мия шикастланиши, хавфли ва хавфсиз ўсмалар, асаб касалликлари ва бошқалар туфайли ҳам юзага келиши мумкин.

Қандай белгилари бор?

Қизилўнғач ўсмасининг дастлабки босқичлари кўпинча аломатларсиз ўтади. Касаллик фақат қизилўнғач бўйлаб овқатни ютиш қийинлашгандагина ўзини на-



моён қилади. Бунда қизилўнғач деворлари шикастланиб, тораяди ва бу ҳолат овқат ютишнинг қийинлашиши(дисфагия)га олиб келади. Натijaда хасталикнинг бошланғич даврида қуюқ овқатлар томоқдан қисилиб ўтади, касаллик ривожлана боргани сари суюқ таомларни ҳам ютиш қийинлашади. Бу ҳолат эса қизилўнғач ичкарида ўсаётган ўсимта билан тўсиб қўйилганда юзага келади. Хусусан, кичик шиш пайдо бўлиши деворнинг спазмига ва натижада овқатнинг сиқилишига олиб келиши мумкин.

Одам ўзида дисфагиянинг белгиларини сезса, овқатни оз-оздан бўлиб-бўлиб ейишга одатланиши, кунига 4-5 маҳал таомланиши зарур. Қолаверса, дастурхон олдида имкон борича гапирмаслик, таомланаётганда шошилмаслик керак, акс ҳолда қизилўнғачга ҳаво



кешиб, овқат ўтиши янада қийинлашиши, бу эса беморга ортқича қийинчилик туғдириши мумкин. Бундан ташқари, овқатдан сўнг дарҳол ухлашга ётиб олмаслик лозим. Чунки бу ҳам дисфагияга сабаб бўлади.

Хавфли ва хавфсиз ўсмалар қандай фарқланади?

Аслида қизилўнғач ўсмалари табиатига кўра, икки хил бўлиб, хавфли ва хавфсиз турларга ажралади. Хавфсиз ўсмалар ҳужайралари тананинг бошқа аъзоларига тарқалмайди. Қизилўнғачнинг хавфсиз ўсмалари эркакларда кўпроқ учрайди. Хавфли ўсма эса биринчисига қараганда тезроқ ва бетартиб равишда ўсади ҳамда кейинчалик ён-атрофдаги тўқималарга кириб бориб, уларни зарарлайди.

Тўғри ташхис — ярим даволаш демақдир

Ўсманинг турини аниқлаш учун шифокор беморда диагностик текширувларни ўтказиши керак. Агар қизилўнғач ўсмаси ўз вақтида аниқланиб, беморга керакли муолажалар қилинса, у тезда оёққа туриб кетади. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай беморга қўйиладиган тўғри ташхис чуқур текширувга асосланади. Бунинг учун, энг аввало, шифокор беморга қизилўнғачни эндоскопик текширувдан ўтказиш, лаборатор текширувларни

ДАРВОҚЕ...

Мутахассисларнинг фикрига кўра, кўп миқдорда қайноқ чой (ёки бошқа ҳар қандай қайноқ ичимлик) ичиш хавфли ва катта эҳтимол билан қизилўнғач ўсмасининг ривожланишига сабаб бўлади. Тадқиқот натижалари бир кунда ҳарорати 60 даражадан юқори бўлган чойдан икки пиёладан кам бўлмаган миқдорда ичган одамларда қизилўнғач ўсмаси ривожланиш хавфи бунча миқдорда чой ичмайдиганлардан кўра икки қарра юқори эканини кўрсатди.

тайинлайди. Агар керак бўлса, текширув учун тўқиманинг кичик бир қисми ҳам олиниши мумкин. Шунингдек, ўсимтанинг тарқалишини билиш учун (бошқа тўқималар ва органларнинг иштирок этиш даражаси) қўшимча текширув усуллари ҳам қўлланилади.

Шифокор ютишнинг қайси босқичи бузилишини аниқлашга, шунга қараб ҳар бир бемор учун индивидуал тиклаш муолажаларини тайинлайди. Жумладан, беморга, асосан, нутқ терапияси, фаол ютиш ва чайнашни рағбатлантириш машқлари, артикуляр машқлар, фарингеал мушакларнинг тебранишини ўз ичига олган машғулотлар буюрилади. Шунингдек, таомномага ҳам алоҳида эътибор берилиб, суюқ ва қуюқ овқатларнинг мослиги белгиланади. Мутахассис томонидан тайинланган машғулотлар давомийлиги беморнинг ҳолатига қараб давом эттирилади.

Мабодо одамда қизилўнғачнинг хавфли ўсмаси аниқланса ва касаллик танага бутунлай тарқалиб кетган бўлса, у ҳолда махсус даволаш чоралари — нур ёки кимёвий дорилар қўлланилади. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда замонавий тиббиёт қизилўнғач ўсмаларини эрта аниқлаб, ташхис қўйиш учун барча имкониятларга эга. Ўсмаларни олиб ташлаш мақсадида ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари ҳам ижобий натижалар беради. Фақатгина бемор шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиши зарур.

Олий тоифали шифокор,
гастроэнтеролог
Сулаймон ЖўРАЕВ
тавсиялари асосида
тайёрланди.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



АҚШда қизилўнғач саратони энг кўп тарқалган онкологик хасталиклар рўйхатида саккизинчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Эрон ва Хитойда ҳам қизилўнғач ўсмаси анча кенг тарқалган касаллик ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлар коронавируста чалинганлар генидаги ДНК кетма-кетлигини аниқлашди.

РАМАЗОН

ДИНИЙ МАЪРИФАТ

Рамазон ойи ҳам ниҳоялаб қолди. Коронавирус инфекцияси туфайли эълон қилинган карантин сабабли жорий йил Рамазон ойида барча мўмин-мусулмонлар уйларида оила аъзолари билан биргаликда тарових намозларини ўқиб, Қуръони каримни хатм қилишди.

ҳайитини уйларимизда нишонлаймиз

Ramazon
Hayiti
Muborak

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси
ўринбосари.

Аслида, бу боз биз учун синов. Ислоом – инсониятнинг ҳаёти, соғлиғини сақлаш ва уни ҳимоя қилишга катта эътибор қаратган дин. Инсон ўзи ва ҳаётини ҳалок қилувчи ишлардан сақлашга буюрилган.

Халқнинг бошига келган оммавий юқумли касалликлар Ислоом тарихида «Вабо» ва «Тоъун» деб номланган. Бу иллатдан шифо топиш ва сақланиш борасида муқаддас динимиз таълимотида турли кўрсатмалар берилган. Имом Бухорий ва Имом Муслим «Тоъун ва вабо» касалликлари ҳақида қуйидаги ҳадисларни ривоят қилган:

Асома ибн Зайддан қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тоъун ҳақида бундай деганлар: «Тоъун – азоб ва касалликдир. Бу касалликни Аллоҳ таоло Бани Исроил қавмидан бўлган баъзи тоифаларга ва сизлардан олдинги қавмларга юборган. Сизлар уни бирон жойда тарқалгани ҳақида эшитсангиз, у ерга (зинҳор) кирманг. Агар кирсангиз, у ердан (ҳеч ҳачон) чиқиб кетманг», дедилар.

Шукри, юртимизда мухтарам Президентимиз раҳбарликларида корона-вируста қарши кўрилган қатъий чора-лар туфайли касаллик анча енгил кечди. Бу жараёнда сабр қилган кишиларга улугъ ажрлар ваъда қилинган. Бақара сурасининг 155-оятига: «Албатта, Биз сизларни бир оз кўрқинч ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер», деб марҳамат қилинган.

Тан олиб айтиш керак, биз, ҳадиси шарифда таъкидланганидек: «Икки неъмат бор, инсонларнинг аксарияти уларнинг қадрига етишмайди: соғлиқ ва бўш вақт (тинчлик)» (Имом Бухорий ривояти), соғлиғимизнинг ҳам, тинч-

лигимизнинг ҳам, бўш вақтимизнинг ҳам қадрига етмай қўйгандик. Энди, иншоаллоҳ, теран тафаккур қилиб, сабр ва матонат билан ҳамма нарсанинг қадрига етишни ўргандик.

Булоқ Раббимиз барчамизни корона-вирус инфекцияси ва бошқа ҳар турли кўзга кўринар-кўринмас бало-офатлардан, кулфатлардан, табиий офатлардан асрасин.

Ҳадиси шарифда: «Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, у Район деб аталади. Киёмат куни рўздорлар ўшандан киришади, улардан бошқа бирор одам кирмайди. Шунда «Рўздорлар қани?» дейилади. Шунда рўздорлар кириб боришади. Уларнинг охириги кириб бўлиши билан эшик беркитилади. Ундан бошқа ҳеч ким кирмайди» (Имом Бухорий ривояти), дейилган. Илоҳим барчамиз шун неъматга ноил бўлайлик, иншоаллоҳ.

Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, юртимизнинг барча ҳудудларида Рамазон ҳайити оилаларда ўтказилади. Карантинни инобатга олиб, марҳумларнинг ҳақларига оила даврасида хайрли дуолар қилсак, шарияти-ни қонун-қоидалари ҳамда карантин талабларига риоя этган бўламиз. Чунончи, ҳадиси шарифда: «Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ» (Имом Ибн Можа ривояти), дейилган.

Аслида, қаерда бўлмасин, марҳумлар ҳақида қилинган Қуръони карим тиловати, албатта, уларнинг руҳига етиб боришига шубҳа йўқ.

Қабристонларга бориб, ҳам ўзимизнинг, ҳам бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйгандан кўра, уйларимизда, оила даврасида ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилайлик! Зеро, динимизда зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан олдинга қўйилади.

Лайлатул Қадр кечаси қачон бўлади?

«Лайлатул Қадр» «белгилаш кечаси» деган маънони беради. Йил давомида қилинадиган турли амаллар, ҳукм, топиладиган ризқ, бир сўз билан айтганда тақдир белгиланадиган кечадир.

Бу кеча ҳақида Аллоҳ таоло: «...минг ойдан яхшироқдир» (Қадр сураси, 3-оят) деб марҳамат қилган.

1000 ой – 84 йилга тенг.

84 йил – 30000 кунга тенг.

Абул Олия розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Бир аъробий севики Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб, «Қадр кечаси қачон бўлади?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қадр кечасини Рамазоннинг илк ва энг сўнгги ҳамда тоқ кечаларидан изланглар!» дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Онамиз Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қадр кечасини Рамазон ойининг охириги ўн кунлигидан қидиринглар», (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти) деганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қадр кечаси борасида: «У 27-ёки 29-кечадир. Ушбу кеча ерда фаришталар сони майда тошлардан ҳам кўп бўлади», дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Бу кечанинг қандай аломатлари бор?

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У очик, иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаган кеча. Унинг тонгида куёш қизғиш, заиф бўлиб чиқади», (Ибн Ҳузайма ривояти) дедилар.

Бу кеча Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар ҳар бир осмондан ва «Сидратул мунтаҳо»дан (яъни, Жаброил алайҳиссалом масканидан) ерга тушади, тонг отгунча инсонлар ҳақида дуо қилади. Қуръони каримда бундай дейилади: «У (кеча)да фаришталар ва Руҳ (Жаброил) Парвардигорларининг изни билан (йил давомида қилинадиган) барча ишлар (режаси) билан (осмондан ерга) тушарлар. У (кеча) то тонг отгунча саломатликдир» (Қадр сураси, 4-5 оятлар).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кечани қандай ўтказар эдилар?

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қилдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охириги ўн кунлиги келса, кечалари ухлатмас эдилар ва уйдагиларни ҳам ибодат қилишга уйғотар эдилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Бу кеча гуноҳлар магфират этилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Лайлатул Қадр кечасини имон ва ихлос билан бедор ўтказса, унинг шу кечагача содир этган барча гуноҳлари магфират қилинади», (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ривояти) дедилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулulloҳ агар Қадр кечасини топишга муваффақ бўлсан нима деб дуо қилай?» деб сўрадилар. Шунда Набий алайҳиссалом ушбу дуони айтишга буюрдилар: «Аллоҳумма иннака афуввун, туҳиббул афва, фавфу ʻанний» (Аллоҳим, албатта, Сен кечирувчисан, кечирини яхши кўрасан. Гуноҳларимни кечиргин) (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло қиёматга қадр келадиган барча мўминларнинг гуноҳини магфират этсин. Ҳидоятда бардавон қилсин!

Даврон НУРМУҲАММАД,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассиси.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган биринчи «Matiz» автомобили аукционга қўйилди.



ПАНДЕМИЯ сабаб бошқа муаммолар унутилдимми...(ми?)

Аммо биз кўрмаганга олсак-да, бу инқирозлар орқа сахнада катталашиб бормоқда. Масалан, Ливия муаммоси. Африканинг араб тилли бу мамлакатда зиддиятга аралашиб қолган тарафкаш давлатларнинг муддаоси фақат нефть дарди экани очиқлашиб боряпти. Айрим ҳукуматлар эса COVID-19 ни қулай фурсат сифатида билиб, узоқ вақтдан буён ўйлаб келаётган, аммо жамоатчиликнинг муносабатидан кўриқиб, журъат этмаган режаларини ҳам амалга оширишни бошлаб юборди. Бунга Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини Фаластиндан олиб қўйишга интиладиётган Исроил мисол бўла олади. АҚШ ва Россия, АҚШ ва Эрон, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи муносабатлари ҳам кун тартибидан

Ядро битими тарихга айланадими?

Энг катта муаммо эса, бу — йирик давлатлар ўртасидаги ядровий қарама-қаршилик. АҚШ ва Россия бир-бирига таҳдид қилиш мақсадида ишлатиб келган узоқ масофага учувчи ядровий ракетага чекловчи «Стратегик ҳужумкор қуролларни камайтириш битими» 2021 йил февралда ниҳоясига етди. Битимни янгилаш учун олиб борилиши керак бўлган музокарага вақт борган сайин кам қолмоқда. Ушбу битим совуқ уруш давридан бугунга қадар амал қилиб келаётган охириги қурол-яроғ битимидир. Бу битим бўлмаса, янги ядровий қуролланиш пойгаси бошланиб кетишига доир жиддий хавотирлар бор.

Шу кеча-кундузда тезлиги овоз тезлигидан бир неча баробар юқори бўлган гиперсоник ракетага устидаги ишлар давом этмоқда. Кунни кеча Дональд Трамп ракета-ларнинг ракетаси бўлган, мамлакатининг ҳозирги ракета-ларидан 17 баробар, Россия ва Хитойнинг ракета-ларидан 3 баробар тез учадиган ракетага ишлаб чиқарилаётгани билан мақтанди. Олдинроқ эса Россия ва АҚШ қисқа ва ўрта олисликка учадиган ракета-ларни таққулаш тўғрисидаги битимдан чиқишларини эълон қилишганди.

Россия ҳар икки битимни янгилашга рағбат билдираёттир. Фақат Трамп маъмурияти битимнинг ҳозирги кўринишида янгиланишини

истамайди. АҚШ битимга Хитойни ҳам қўлишни истади. Аммо Пекин бу талабни рад этмоқда. Бизнингча, Москва ҳам зимдан Вашингтон каби Хитойнинг битимга қўшилиши тарафдори. Чунки ҳозир олди олинмаса, келажакда Хитойнинг ракеталари иккала давлатга ҳам катта таҳдид тўғдиради.

Муддат тугашига бир йилдан кам вақт қолгани назарда тутилса, унинг янги шакли устида ишлашга кеч. Бундай шароитда, агар Вашингтон ўз талабидан қаттиқ туриб олса ёки ноябрь ойидаги АҚШ президентлик сайловларида Трамп эмас, бошқа одам сайланадиган бўлса ва янги президент эски битимни қўлламаса, унда битим тарихга айланиши мумкин.

АҚШ ва Эрон: қарама-қаршилик давом этадими?

Боз устига, Трамп маъмуриятининг Эрон билан 6+1 давлатлари орасида имзоланган ядровий келишувдан чиқиши ортидан бошланган инқироз чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирда БМТ эмбаргоси боис бир қатор давлатлар Техронга қурол-яроғ сотолмайди. Аммо Эрон билан ядровий келишувни қўллаб-қувватлаган БМТ қарорига кўра, ушбу эмбарго муддати шу йилнинг 18 октябрида тугайди.

Эрон Президенти Ҳасан Рухоний АҚШ эмбаргони давом эттириш талабини қўядиган бўлса, бунинг «оқибатлари жиддий бўлиши» ҳақида огоҳлантирди. Аммо БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган Россиянинг Эронга қарши эмбаргога вето қўйиши эҳтимоли катта. Бу ҳолатда Трампнинг ядровий келишув билан бир вақтда энгиллатилган Эронга қарши иқтисодий эмбаргони янгидан кучайтириш ва яна ҳам қаттиқлаштириш талабини илгари суриши, бунинг учун Европа давлатларига боисинг ўтказиши кутилади. АҚШ ядровий битимдан чиққанидан буён Техронга босимларни кучайтириб келади. Эрон ҳам жавоб тариқасида келишувнинг баъзи бандларини бажаришдан бош тортди.

АҚШ ва Эрон ўртасидаги алоқалар янада кескинлашаркан, АҚШ билан Техронга нисбатан санкциялар юмшатилиши тарафдори бўлиши Европадаги иттифоқчилар

ўртасидаги масалалар ҳам катталашиб бориши мумкин. Эронга қарши жазо чоралари Техроннинг минтақадаги сиёсатини ўзгартирмагани каби Техроннинг ўзи қўлайдиган гуруҳларга қурол сотишини ҳам чеклолмади.

Яқин Шарқ танглик қаршисида...(ми?)

Исроилнинг Ғарбий соҳилни аннексия қилиш қарори ҳам халқлар орасида энг ўткир муаммолардан. Исроилнинг ҳар сайловларда кун тартибига чиқадиган Ғарбий соҳилни қўлиб олиш қарори Бенямин Нетаняху коалицион ҳукумат тузиш билан овора бўлгани боис муайян муддат кун тартибидан тушиб қолганга ўхшарди. Аммо Нетаняху, афтидан, ўзига қарши илгари сурилган коррупция айбловларидан диққатни чалғитиш учун ҳали ҳам Ғарбий соҳилнинг айрим секторларини бутунлай Исроилга қўлиб олиш режасини илгари сурмоқда.

Ғарбий соҳил қўлиб олинса, Фаластин ва Исроил ўртасидаги можарони ечишнинг ягона умиди деб қўрилган «икки халқ, икки давлат ечими» барбод бўлади. Фаластин ҳозирданок бу эҳтимолни кўзга олган ҳолда, Европанинг баъзи давлатлари билан Исроилга қарши жазо чоралари қўллаш юзасидан музокара олиб бормоқда. Қайд этиш керак, фаластинликлар 1967 йилги урушда Исроил тортиб олган бу ҳудудни келажак давлатнинг бир қисми сифатида қўради ва Ғарбий соҳилда қўрилган яҳудий маҳалларини ноқонуний деб билади.

Ҳар доим бўлгани каби бу ерда ҳам Трамп маъмуриятининг мавқеи ҳал этувчи роль ўйнайди. Нетаняху Ғарбий соҳилни босиб олиш муддаосида Дональд Трампнинг аввалги қарорларидан илҳомланганига шубҳа йўқ. Трамп Исроилнинг Жўлон тепалиklarини аннексия қилиш ва Қуддусни пойтахт деб эълон қилиш қарорларини маъқуллаганди. Шундан кейин Трамп АҚШ элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга ўтказди. Ҳозир эса АҚШ «аср битими» деб ном олган Яқин Шарқ тинчлик режасини тарғиб қилмоқда.

Ғарбий соҳилнинг учдан бирини Исроил эгаллашга имкон берадиган

Айни пайтда коронавирус пандемияси бутун дунёни ўз забтига олиши билан бошқа бир қатор халқаро масалалар кун тартибидан тушиб қолгандек таассурот қолдирмоқда. Бунга тушуниш мумкин, чунки пандемия дунё миқёсида ҳозирга қадар 5 миллиондан зиёд кишига юқди, 320 мингдан зиёд инсоннинг ўлимига, давлатлар иқтисодийётининг эса кескин қисқаришига олиб келди. Бу аснода баъзи халқаро бўҳронлар четга суриб қўйилди.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

бу режа Яқин Шарқда янги тарангликларни келтириб чиқариши мумкинлиги айтилади. Европанинг бир қатор давлатлари, хусусан, Франция, Испания, Ирландия ва Швеция Исроил аннексиясини қабул қилмасликларини айтган. Гарчи баъзи санкциялар Европа Иттифоқининг бир овоздан келишувини талаб қилса-да, бошқалари, масалан, савдо битимлари бўйича бу давлатлар Исроилга мустақил жазо чораларини қўллаши мумкин. Айни кезларда Қуддусда Брюсселга нисбатан салбий муносабат кучайиб бормоқда.

Ғарбий соҳилнинг бир қисми Исроилга қўлиб олинса, бу 1967 йилга қадар ҳудудни назорат қилган Иордания билан муносабатларни янада таранглаштириши мумкин. Исроил билан тинчлик шартномаси тарафдорлари Иордания аҳолиси орасида тобора камайиб бормоқда, гарчи давлатлар кучли хавфсизлик алоқаларига эга бўлса ҳам. Ҳар ҳолда, бу масала сув тақсими муаммосини келтириб чиқарадиган масала.

«Brixit» муаммога малҳам бўлолмади

Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқишини аниқлаш «Brixit» ибораси ҳам унут бўлиб кетди. Аммо соат миллари тўхтагани йўқ, Британиянинг Иттифоқдан чиқиши учун берилган ўттиш даври муддати 31 декабрда ниҳоясига етди. Икки ўртадаги муносабатларнинг келажакда борасидаги музокара мавҳумлик ичида бошланганди. Бу мавҳумлик ҳали ҳам давом этмоқда.

Аммо Бош вазир Жонсон ҳозирга қадар ўттиш даврини узайтириш ёки ЕИдан чиқишни кечиктириш ҳақида гапиргани йўқ. Аммо коронавирус пандемияси «Brixit» билан боғлиқ барча тасавуурларни ўзгартириб юборди. Чунки пандемия билан биргалликда «Brixit» жуда чуқур иқтисодий инқирозга йўл очиши кутилади. Бу инқироздан чиқиш учун бир неча йиллар керак бўлиши мумкин. Ҳозир Британия ҳам, ЕИ ҳам коронавирусга қарши кураш билан овора. Бу курашда Британия ЕИ давлатларидан яхшироқ намуна кўрсата олгани йўқ. Иттифоқдан чиқиш коронавирус оқибатлари билан бир бўлиб, Британияни қийин аҳволда қолдириши мумкин.





Жасур БОЙҚЎЗИЕВ: «ТАЭКВОНДО»

мени синовлар қаршисида таслим бўлмасликка ўргатди»



Таэквондо (WTF) спорт турининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалмайди. Ҳатто унинг ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аннироғи, 2004 йилда Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларидан бошлаб, даян усталари расман тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида иштирок эта бошлади.

Айтиш лозимки, ўзбекистонлик атлетлар халқаро мусобақаларда доимо юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келади. Жумладан, жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин, бир неча халқаро мусобақалар ғолиблари — Акмал Эргашев, Жасур Бойқўзиев, Никита ва Максим Рафалович, Нигора Турсунқулова, Мадина Маннопова каби номлар бугун кўпчиликка яхши таниш.

Бироқ сўнги вақтларда ўзбек даян усталарининг халқаро майдондаги натижаларида биров пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, ўтган йили Англиянинг Манчестер шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати биз учун омадсиз якуланди. Қолаверса, тўртта Олимпия ўйинларида иштирок этган 11 нафар спортчимиз ғолиблик тугул, ҳатто, совриндор ҳам бўла олмади.

Фурсатдан фойдаланиб, таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, айна пайтда кадетлар бўйича терма жамоамиз мураббийси Жасур Бойқўзиевнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

Мухлисларни ғалабага ўргатиб қўйдик...

— Агар шароит яхши бўлса, қайси даврда бўлмасин, ҳар қандай терма жамоада «олтин авлод» шаклланади, — дейди Жасур Бойқўзиев. — Айтиш мумкинки, бундан 3-4 йил аввал терма жамоамиз таркибида ҳам ана шундай авлод жамланган эди. Бу эса ўз-ўзидан халқаро майдонда эришилган ғалабаларда муҳим роль ўйнади. Хусусан, 2015 йилда Челябинск шаҳри (Россия)да бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида спортимиз тарихида янги саҳифа очиб, 1 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритгандик.

Очиғи, халқаро турнирларда ҳамюртларимизнинг мунтазам совриндорлар сафидан жой олишга кўникиб қолган эканмиз. Шу боис ўзбек спортчи мухлислари таэквондочиларимизнинг Манчестер шаҳридаги муваффақиятсизлигини қабул қила олмади.

Аслида ҳар бир спорт турида бўлгани каби ўзбек таэквондосида ҳам охириги йилларда авлодлар алмашинуви жараёни кечди. Қолаверса, сўнги жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ёш спортчиларда халқаро тажриба етишмаслиги, кучли атлетларимизнинг спорт формасидаги пасайиш ҳам умумий ютуқларга салбий таъсир этди.

Натижада Ўзбекистон таэквондо WT ассоциациясида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Шунингдек, терма жамоа мураббийлар штаби ҳам бутунлай янгиланди. Ўйлайманки, бу ўзгаришлар яқин орада ўзининг ижобий натижасини беради, албатта.

Айрим мураббийларда малака етишмайди

Аслида қайси спорт турида

бўлмасин, натижага эришиш учун бутун тизим яхши ишлаши керак. Айниқса, болалар спортчи мактабларидаги мураббийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш учун зарур шароитларни яратиш, селекция ишларига жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки бу вазифаларни амалга оширмай туриб, яхши натижадан умид қилиб бўлмайди.

Эътибор берсак, кўпична спорт мактабларида, бошланғич спорт гуруҳларида болалар кўнимсизлиги кузатилади. Бунга эса машғулот жараёнларини ташкиллаштиришда йўл қўйилган хатолар, хусусан, тарбиявий, тарғибот ишларининг сустиглиги, эскирганлиги сабаб, деб ўйлайман. Шу боис машғулот жараёнларига замонавий ва илғор методларни татбиқ этиш зарур.

Бундан ташқари, мураббийлардаги тажриба етишмаслиги, ўз соҳасига доир билимлари етарли эмаслиги ҳам натижаларга ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг учун ҳар бир мураббий изланишдан тўхтамаслиги, ҳар бир машғулотни таҳлил қилиши, энг асосийси, шогирдлари билан яқка тартибда шуғулланиши лозим.

Олимпиадага боролмаслик — аламли

Тўғриси, спортчи бўлиб мусобақаларда қатнашиш анчайин осон — фақат ўзинг учун жавоб берасан. Бироқ мураббий сифатида четдан туриб, даяндаги шогирдларининг ҳаракатларини кузатиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш жуда оғир бўлар экан. Буни ҳозирги кунда Ўзбекистон кадетлар терма жамоасидаги мураббийлик фаолиятим давомида янада теранроқ ҳис қилмоқдаман. Чунки ҳар бир боланинг характери, дунёқараши турлича. Кимдир мағлубиятдан тез тушкунликка тушса, айрим болакайлар эса муваффақиятсизликдан катта фожиа ясамайди. Шундай кезларда шогирдларинг билан индивидуал тарзда машғулотлар олиб бормасанг, уларнинг характеридан келиб чиқиб, машқлар тайинла-

масанг, спортга эндигина кириб келаётган ёшлар «синиб» қолиши ҳеч гап эмас.

Сизга бир гап айтиш, 2012 ва 2016 йилларда Олимпиада ўйинларига лицензия бўлса-да, ушбу йирик мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қила олмаганман. Чунки Дмитрий Шокин билан вазимиз бир бўлгани учун мураббийларнинг спорт формаси яхши, деган хулосага келишган ва унга ишонч билдирилган. Лицензия ололмай, Олимпиадага бормасликни тушунса бўлади, бироқ йўланма бўла туриб, 2 марта тўрт йилликнинг энг муҳим спорт байрамида қатнашмаслик, спортчи учун жуда оғир.

Уша кезларда болаликдаги мураббийларимнинг берган тарбияси, уларнинг маслаҳатлари анчайин асқатган. Қолаверса, ҳар бир атлет ўзи танлаган спорт турини чин дилдан яхши кўрса, бундай вазиятлардан осонгина чиқиб кета олади. Айтмоқчиманки, таэквондо мени синовлар қаршисида таслим бўлмасликка ўргатди. Бу ҳақиқатни ҳар бир мураббий ўз шогирди қалбига болалигидан синдириши лозим.

Олимпиадага лицензия қўлга киритиш қийин, бироқ...

Айна пайтда Никита Рафаловичдан ташқари, рейтинг орқали Токио Олимпиадасига лицензия қўлга киритиш имконияти бошқа ўзбек таэквондочиларимизда жуда кам. Бироқ терма жамоамизнинг айна пайтдаги имконияти анча юқори. Боиси спортчиларимизнинг шуғулланиши, чет мамлакатларда ўқув-машғулот йиғинларини олиб бориши учун ассоциация томонидан барча шароитлар яратиб берилмоқда. Насиб қилса, ўзбек таэквондочилари Токиодаги ёзги Олимпия ўйинларида тўлиқ таркиб билан иштирок этиб, юртимизга медаллар шодаси билан қайтиб келади, албатта.

«Mahalla» мухбири

Саъдулло ТУРСУНОВ ёзиб олди.



ДАРВОҚЕ...
Жасур Бойқўзиев
2012-2018 йилларда
тўртта Осиё
чемпионатида
иштирок этиб,
жами тўртта медал
қўлга киритган
Ўзбекистондаги
ягона таэквондочи
ҳисобланади.



Тошкент вилояти ҳокими «Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси»
кўкрак нишони билан тақдирланди.

Баҳор ойларида рўй берган тошқинлар, жумладан, Сардоба сув омборидаги техноген фалокат минтақамиздаги ҳукуматларни хушёр торттирди. Зеро, тадқиқотчилар иклим ўзгариши натижасида музликларнинг эриши тезлашгани боис бу каби ҳолатлар Ўрта Осиёда яна содир бўлиши мумкинлигини башорат қилмоқда. Ана шундай хавфлардан бири Помир тоғларида жойлашган, олимлар томонидан «уйқудаги аждар» деб аталадиган Сарез кўли ҳисобланади.



САРЕЗ —

Помирнинг «уйқудаги аждарҳо»си...(ми?)

«Аждар» бир кун-мас-бир кун уйғониши эҳтимоли бор. Жиддийроқ зилзила ёки сел Сарезнинг очилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолда тоғлар тепасидан миллионлаб тонна сув даҳшатли тезликда пастга оқиб тушиб, Амударёга қўшилиб, ўз йўлида Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги бир нечта вилоятларга зиён етказди. Сарез кўли ва унинг атрофидаги муаммолар, хавотирлар тўғрисида **география фанлари доктори Нурбек Йўлдошев** билан суҳбатлашдик.

Сарезда Орол денгизининг учдан бири тўпланган

— Дарҳақиқат, кейинги воқеалар ва уларнинг оқибатлари бизни Сарез кўли муаммоси тўғрисида жиддий ўйлашга даъват этмоқда. — дейди **Нурбек Йўлдошев**. — Солиштириш учун текисликда жойлашган Сардоба сув омборининг сифими 930 миллион кубометр, яъни 0.93 километр кублиги, тоғлар чўққисидаги Сарезнинг ичида эса 17 километр куб, яъни Сардобадан 18 марта кўп сув тўпланганини айтиб ўтиш мумкин. Яна бир мисол, Орол денгизи тўлиқ бўлган пайтларда ичида 68 километр куб сув бор эди. Худо кўрсатмасин, қаттиқроқ зилзила юз бериб, Сарез ёрилса бу сув катта талофат келтириши мумкин.

Ўрта Осиё учун яна бир хавф

— Сарез кўли Помир тоғларида денгиз сатҳидан 3255 метр баландликда жойлашган. Кўл 1911 йили юз берган 7 балли вайронкор зилзила оқибатида вужудга келди. Зилзила кучи ҳатто Петербург



шаҳри яқинидаги Пулковская сейсмик станциясида ҳам қайд қилинган.

Помирнинг Бартанг водийсида эса

9 та табиий сув омборини ҳосил қилган. Аммо мазкур кўлларга нима бўлганлиги номаълум.

Эҳтимол, уларнинг йўқолиши ёки очилиб кетишига Помир тоғларида тез-тез рўй берадиган зилзилалар ёки кучли ёғингарчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

Олимлар Сарез кўли суви чиқиб кетган тақдирда унинг оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида турли эҳтимолий сценарийларни ишлаб чиққан. Масалан, агар офат юз берса, сув дастлаб Тожикистондаги қатор қишлоқ ва шаҳарларни босиб, юртимизнинг Сурхондарё вилоятигача етиб келади. Йўлдаги дарахтлар, иншоотларни оқизиб, Амударё ўзанига қўшилади. Дарё бўйлаб, Туркменистон орқали, Хоразм вилоятигача етиб боради. Мазкур вилоятимиз Амударёнинг чап қисмида, яъни дарё сатҳидан қуйида жойлашгани боис катта ҳажмдаги сув деярли бутун Хоразм вилоятини босиб, Орол денгизигача бориши мумкин.

Сувнинг Оролгача етиб бориши 1-4 кун орасида юз беради. Яъни агар офат содир бўлса, хавф худудларидаги 5 миллиондан ортиқ аҳолини кўчириш учун вақт етарли бўлмайди.

Муаммонинг ечими борми?

Собиқ иттифоқ даврларида худудга бир неча бор экспедициялар уюштирилди. Бироқ кўл тоғнинг чўққисида жойлашгани ва у ерда улкан миқдорда сув тўпланганлиги сабаб хавфни бартараф қилишга молиявий, илмий-техник воситалар еттишмаган. Ечимлардан бири сифатида кўлнинг сувини

дренажлар, сунъий каналлар ва Амударё орқали Орол денгизига буриш таклиф этиб келинади. Аммо бу жуда қimmat турувчи лойиҳадир. Зеро, бориш мушкул бўлган тоғли худудда дренаж ва мустаҳкам каналлар барпо этиш учун Марказий Осиё давлатларининг имконияти етмайди. Баъзилар эса худудда сув қадоқлаш заводларини қуриб, кўл сувини сотишни таклиф қилиб келади.

Сўнгги маълумотлар

Расмийлар томонидан ҳозирча тасдиқланмаган, аммо ижтимоий тармоқлар, мустақил оммавий ахборот воситалари орқали айтилаётган, турли далиллар келтирилаётган сўнгги маълумотларга кўра, Тожикистон тадбиркорлар зиммасига юклатилган. Ҳозирда мазкур худудда сув қадоқлаш заводларини барпо этиш устида иш олиб бормоқда. Аммо бу услуб билан хавфни чиндан-да бартараф қилиш имконияти мавжудлигига ишонини қийин.

Нима бўлганда ҳам, кейинги воқеалар бизга сабоқ бўлиши ва Сарез кўли муаммосига янада жиддийроқ ёндашилишимиз зарурлиги аниқ. Қуриётган Оролга бўлган эътиборни тўлаётган Сарезга ҳам қаратиш лозим. Муаммога халқор жамоатчилик, ташкилотларни жалб қилиш, янги-янги ёндашувларни ишлаб чиқиш керак. Зеро, 5 миллион нафарга яқин инсон тақдири билан боғлиқ ҳолатга юзани қараб бўлмайди. Акс ҳолда барчамиз қўрққан офат юз бериши, оқибатлари фожиали яқунлиниши мумкин.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Эҳтимолий сценарий қандай?

Бартанг водийсида ўтказилган тадқиқотлар Усой уюми худуддаги биринчи табиий тўғон эмаслигини кўрсатган. Кейинги 40 минг йил ичида бу жойларда кўчкилар



СОЛИҚ Жисмоний шахсларга қандай имтиёзлар бор?

– Коронавирус пандемияси сабаб жорий этилган карантин даврида жисмоний шахслар учун қандай солиқ имтиёзлари ва энгилликлар белгиланган?

Достон ТЎРАЕВ.
Тошкент шаҳри.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги ҳамда 3 апрелдаги тегишли фармонларига асосан, пандемия даврида тадбиркорлик субъектлари билан бирга, жисмоний шахсларга ҳам бир қатор имтиёз ва энгилликлар берилган. Жумладан, 2019 йил учун жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилди. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинган даромадларини солиққа тортишдан озод қилинди.

ТАЪЛИМ Ўқишни кўчириш тартиби қандай?

– Пандемия шароити туфайли олий таълим муассасаларида ҳам дарс машғулоти онлайн тарзда ўтилмоқда. Иқтисодий шароитини сабаб ўқишимни Тошкент шаҳридан Термизга кўчирмоқчиман. Айтингчи, 2020/2021 ўқув йили учун талабалар ўқишни кўчириш жараёни қандай тартибда ўтказилади?

Шерзод ПОЛВОНОВ.
Сурхондарё вилояти.



Иномжон МАЖИДОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазири:

– 2020/2021 ўқув йилига республика олий таълим муассасаларига талабалар ўқишни кўчириш тартибининг биринчи босқичида жорий йилнинг 15 июлидан 5 августга қадар ҳужжатлар қабул қилинади (ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш имконияти яратилади). Шундан сўнг 6 августдан 30 августга қадар аризалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Ҳозирги кундаги карантин тадбирлари сабабли ўқишни кўчириш жараёни муддатларида ўзгаришлар бўлган тақдирда вазирликнинг расмий сайти (www.edu.uz) ва @eduuz телеграмм канали орқали эълон берилади.

ҚОНУН Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этиладими?

– Ҳар қандай шахсни гумонланувчи деб тинтув қилиш ёки яқинларига хабар бермасдан ушлаб туриш мумкинми? Бу жараёни телефонга ёзиб олиш тақиқланганми?

Ботир БЎРИЕВ.
Навоий вилояти.



Фурқат ТОЖИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

– Сиз сўраётган саволларга давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 14 май куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунда батафсил маълумот берилган. Қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Шунингдек, шахсни ушлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали қайд этилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурулов чораси ва шахс ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг яқинларига дарҳол хабар берилиши шарт. Илгари 24 соатдан кечиктирмасдан хабар берилиши керак эди. Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ «Карантин сабаб пенсиям куйиб кетадими?»

– Ёшга доир пенсияга чиқиш учун ҳужжат топширмоқчи эдим. Карантин сабабли пенсия ҳужжатларимни йиғишда кечикиш бўлса, 2 ойлик пенсиям куйиб кетадими?

Оллоёр ДАВЛЕТОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.



Шухратжон ДАВРОНОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси директори ўринбосари:

– Йўқ, куймайди. Ёшга доир пенсия – агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 60 кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Давлат пенсияларидан бирига ҳуқуқи карантин даврида пайдо бўлган фуқаролар карантин тадбирлари тугагандан кейин 1 ой давомида пенсия тайинлаш учун Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат этиши мумкин. Бу ҳолатда уларга пенсиялар карантин чекловлари давридаги ҳуқуқи пайдо бўлган санадан тайинланади.

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ Қаерга мурожаат қилиш керак?

– Баъзи ҳолатларда жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар томонидан ўқитувчиларни ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги ва ободонлаштириш ишларига жалб қилиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу мажбурий меҳнат эмасми? Бундай ҳолат кузатишганда кимга мурожаат қилиш лозим?

АЗИЗ ТЎХТАЕВ.
Фарғона вилояти.

Гулрух НИЁЗМЕТОВА,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси Бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори:

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича барча ташкилот раҳбарларини мунтазам огоҳлантириб келмоқда. Минг афсуски, шунга қарамай, сиз таъкидлаётган ҳолатлар жойларда ҳамон кузатишмоқда. Шу боис Давлат меҳнат инспекторлар томонидан жойларда доимий равишда мониторинглар олиб борилмоқда. Мурожаатлар асосида аниқланган ҳолатлар бўйича айбдор шахслар жавобгарликка тортилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ходимларнинг касбий фаолияти ва мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишлар ва турли тадбирларга жалб этган шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49- ва 51-моддаларига асосан, маъмурий жавобгарлик ва Жиноят кодексининг 148-моддасига асосан, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Агар меҳнат ҳуқуқларингиз бузилса ёки мажбурий меҳнатга йўл қўйилиши ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «11-76» қисқа рақамли ишонч телефони, ижтимоий тармоқдаги «dmi.mehnat.uz» сайти ҳамда «mehnatuquqbot» телеграмм мессенджерига мурожаат этишингиз мумкин.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī»
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи
Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Ю. Ҳожиёва
Мусаҳҳиллар: Н. Азимова, М. Назарова
Навбатчи: У. Ибодинов
Саҳифаловчилар: И. Болтаев, Ш. Бароқов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳхўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.



Нашр кўрсаткичи: 148